

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАХБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

**“ДИНШУНОСЛИК ФАНИНИ
РИВОЖЛАНИШИДА МАНБАШУНОСЛИК
МАСАЛАСИ” МОДУЛИ БЎЙИЧА
Ў Қ У В – У С Л У Б И Й
М А Ж М У А**

Тошкент 2018

Модулнинг ишчи ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 27 мартдаги 247 - сонли буйруғи билан тасдиқланган намунавий ўқув режа ва дастурлар асосида ишлаб чиқилган.

Тузувчи: ф.ф.д. О.Нишонова

Тақризчилар: PhD. А.Ташанов
т.ф.н., доц. Х.Юлдашходжаев

Ишчи ўқув дастур ЎзМУ Илмий кенгашининг 2017 йил 30 августдаги 1- сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	4
III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	10
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	48
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	49
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	49
VII. ГЛОССАРИЙ	51
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	54

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сонли қарорида белгиланган устивор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Жамият тараққиёти нафақат мамлакат иқтисодий салоҳиятининг юксаклиги билан, балки бу салоҳият ҳар бир инсоннинг камол топиши ва уйғун ривожланишига қанчалик йўналтирилганлиги, инновацияларни тадбиқ этилганлиги билан ҳам ўлчанади. Демак, таълим тизими самарадорлигини ошириш, педагогларни замонавий билим ҳамда амалий кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, чет эл илғор тажрибаларини ўрганиш ва таълим амалиётига тадбиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. **“Диншунослик фанини ривожланишида манбашунослик масаласи”** модули айнан мана шу йўналишдаги масалаларни ҳал этишга қаратилган.

“Диншунослик фанини ривожланишида манбашунослик масаласи” модули ўқитишда илғор хорижий тажрибалар маъруза ва амалий машғулотларни ўзлаштириш жараёнида тингловчилар Европа, Америка қўшма штатлари, Россия ва қатор Осиё давлатларининг **Диншунослик фанини ривожланишида манбашунослик масаласи** фанларини ўқитиш жараёнининг ташкил этилиши, модуль-кредит тизими, фанларнинг тақсимланиши, етакчи хорижий олигоҳларида чоп этилган дарсликлар, ўқув ва услубий қўлланмалар ҳақида тасаввурга эга бўладилар.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Диншунослик фанини ривожланишида манбашунослик масаласи” модули ўқитишдан мақсад: олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари билан глобаллашув жараёнининг ўзига хос жиҳатлари, уни ўрганиш ва таҳлил қилишга қаратилган илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш орқали ушбу йўналишдаги таълим жараёнини мувофиқлаштириш ва мазмунан бойитиш, глобаллашувнинг миллий-маънавиятимизга таҳдиди бўйича маълумотларни бериш самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган замонавий ёндашувлар билан ҳамда педагогик ва ахборот технологиялар билан таништириш, миллий ғоя, маънавият асослари, диншунослик соҳасида юксак малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш.

Модулнинг вазифалари:

- Республика олигоҳларида Диншунослик фанини ривожланишида манбашунослик масаласи таълими структурасини мувофиқлаштириш;
- Республика олийгоҳларида Диншунослик фанини ривожланишида манбашунослик масаласи таълимнинг моҳиятини мукамаллаштириш;
- Республика олийгоҳларида Диншунослик фанини ривожланишида манбашунослик масаласи ўқитиш методикасининг асосий муаммолари, таълим-тарбия жараёнини замон талабларига мос ҳолда ташкил этиш ва бошқариш;

Фан бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Диншунослик фанини ривожланишида манбашунослик масаласи” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- жаҳон етакчи университетларининг ўқув режалари;
- модул доирасида хорижий дарсликлар, ўқув қўлланмаларининг структураси;
- жаҳон ва республикада ушбу модулнинг ривожини ҳақида билимларга эга бўлиши;

Тингловчи:

- Диншунослик фанини ривожланишида манбашунослик масаласи фанларининг модулини яратиш;
- Диншунослик фанини ривожланишида манбашунослик масаласи модулини ўқитилишида кейс, лойиҳа ва бошқа технологияларни қўллаш кўникма ва малакаларини эгаллаши;
- Илғор хорижий университетларда қўлланадиган модуль, ассесмент, кейс ва бошқа интерфаол услуб ва технологияларни;
- Ўқитиш жараёнида жаҳон ва республикада маънавият асослари, диншунослик фанининг ривожданиш тенденцияларини;
- креативлик ва ижодийликни маънавият асослари, диншуносликка оид фанларни ўқитишда қўллана олиш компетенцияларни эгаллаши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Диншунослик фанини ривожланишида манбашунослик масаласи” янги модул бўлганлиги туфайли дарс давомида модулни мазмунан бойитиш тингловчилар ўз тажрибалардан ва интернет тармоқларидан олган материалларни оммавийлаштириши мақсадга мувофиқ.

Курсни ўқитиш жараёнида кичик гуруҳларда ишлаш, аудитория дарслардан олдин маъмуотлар билан таълимнинг замонавий методлари,

педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган. Ҳар бир тингловчи учун диншунослик фанини ривожланишида манбашунослик масаласи фанини ўқитишида ўз тажрибаларини ва илғор хорижий тажрибаларни солиштириш учун имкониятлар яратилади. Республикамизнинг олийгоҳларида қўлланилиши мумкин бўлган усул, воситалар ва технологияларни танлаб олиш учун тингловчилардан амалий фаоллик табал этилади.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Диншунослик фанини ривожланишида манбашунослик масаласи” модули мазмуни ўқув режадаги илғор таълим технологиялари ва педагогик йўналишидаги (касбий компетентлик ва креативлик, замонавий педагогик технологиялар ва бошқ.), ахборот коммуникацион технологияларини ёритиб турувчи барча модуллари билан узвий боғлиқ. Олий ўқув юртларида диншунослик фанини ривожланишида манбашунослик масаласи ўқитиш самарадорлиги, республикамизда фаннинг ривожланиши, уни ўқитишга оид замонавий билим ва кўникмалар ҳамда илғор педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилганда амалга ошади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар илғор хорижий мамлакатларда диншунослик фанини ўқитишни ташкил қилишнинг хорижий тажрибаларни ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар. Сўнгги йилларда Диншунослик фанини ривожланишида манбашунослик масаласи фанидаги ютуқлар ва истиқболлар олий ўқув юртларидаги таълим жараёнининг мазмунини бойитишга хизмат қилади.

**“Диншунослик фанини ривожланишида манбашунослик масаласи”
модулининг соатлар бўйича тақсимоти**

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					Мустақил таълим
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси				
			Жами	Назарий	Амалий		
1.	Диний манбалар: муқаддас ёзувлар, моддий манбалар, шарҳлар.	4	4	2	2		
2.	Диний манбаларни бағрикенглик жиҳатидан ўрганиш	4	4	2	2		
3.	Жаҳон динлари манбаларини тадқиқ этишда диний шарҳларнинг ўрни.	4	4	2	4		
4.	Ислом манбашунослиги масалалари	8	6	2	4		2
5.	Нашр этилган динга доир янги манбааларнинг ўрганиш масаласи	10	8	2	4		2
Жами:		30	26	10	16		4

НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-Мавзу: Диний манбалар: муқаддас ёзувлар, моддий манбалар, шарҳлар.

Манбашунослик фанининг объекти ва предмети. Диний манбалар: муқаддас ёзувлар, моддий манбалар, шарҳлар. Диний манбаларнинг тадқиқ усуллари.

2-Мавзу: Диний манбаларни бағрикенглик жиҳатидан ўрганиш

Диний манбаларни бағрикенглик жиҳатидан ўрганиш. Ибтидоий, уруғ-кабила динларини ўрганишга оид манбалар.

3-Мавзу: Жаҳон динлари манбаларини тадқиқ этишда диний шарҳларнинг ўрни.

Жаҳон динлари манбаларини тадқиқ этишда диний шарҳларнинг ўрни. Яҳудийлик ва христианлик манбаларини ўрганишда Абу Райҳон Беруний асарларининг ўрни.

4-мавзу. Ислом манбашунослиги масалалари.

Ислом манбашунослиги масалалари. Қуръоншунослик ва ҳадисшуносликка оид замонавий тадқиқотлар. Қуръон тафсирилари. Ҳадисларга ёзилган шарҳлар.

5-мавзу. Нашр этилган динга доир янги манбаларнинг ўрганиш масаласи.

Нашр этилган динга доир янги манбаларнинг ўрганиш масаласи

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

Маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва интерфаол педагогик (Ақлий ҳужим, бумеранг) усул ва технологиялардан фойдаланилади.

Ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, график органайзерлардан, кейслардан фойдаланиш, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, блиц-сўровлардан ва бошқа интерактив таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

ЖОРИЙ НАЗОРАТ(АССИСМЕНТ)НИ БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Жорий назорат(ассисмент)ни баҳолаш Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Тармоқ (минтақавий) марказида тасдиқланган шакллари ва мезонлари асосида амалга оширади.

Ушбу модулнинг жорий назорат(ассисмент)га ажратилган максимал балл-**0,8 балл.**

АДАБИЁТЛАР

1. Тайлор Э. Первобытная культура. М., 1989.
2. Религиозные традиции мира. Буддизм, иудаизм, христианство, ислам. Справочник школьника. Бишкек, 1997.
3. Радугин А.А. Введение в религиоведение: теория, история и современные религии. М., 1996; 2-е издание, исправленное и дополненное. М., 1999.
4. Основы религиоведения. Под редакцией И.Н.Яблокова. М., 1994. Издание второе, переработанное и дополненное. М., 1998.
5. Лекции по истории религии. Учебное пособие. Санкт-Петербург, 1997.
6. Лекции по религиоведению. Под редакцией профессора И.Н.Яблокова. М., 1998.
7. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. – Т.: Ислом университети, 2005.
8. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. –Т.:Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009.

9. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.: Ўзбекистон, 2000.
10. Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири. Т.: Адолат, 1998.
11. Беруний Абу Райҳон. Танланган асарлари: Т.1. (Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар) Т.: Фан, 1968.
12. Йўлдошхўжаев Х., Раҳимжонов Д., Комилов М. Диншунослик: маърузалар матни. Т.: 2000й.
13. Куръони карим.-Т.: «Чўлпон», 1993 йил.
14. Ҳусниддинов З.М. «Ислом: йўналишлар, оқимлар, мазҳаблар». «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти. Тошкент, 2000 йил.
15. Ҳасанов А.А. «Қадимги Арабистон ва илк ислом, жоҳилия асри». «Тошкент ислом университети», 2001 йил.
16. «Ислом зиёси ўзбегим сиймосида». «Тошкент ислом университети» нашриёти, 2001й.
- 17.«Шарқ» нашриёт – матбаа концернининг бош таҳририяти. Т.: 1998 й.
18. Шайх Муҳаммад Хузарий. «Нурул яқин ва итмомул вафоъ». Мовароуннаҳр нашриёти, 1992 йил.
19. Исҳоқов М.М. Халқ даҳосининг қадимги илдизлари ва илк куртаклари (Зардуштийлик, Зардушт ва Авесто ҳақида) // «Тил ва адабиёт таълими» журнали, № 2 (1992), Б. 3-12.

Электрон таълим ресурслари

1. www.Ziyonet.uz
2. www.edu.uz
3. Infocom.uz электрон журнали: www.infocom.uz
4. www.nuuz.uz
5. www.bimm.uz

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

«ФСМУ» методи


Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қийслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;

- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.



ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна: “Динларни ўрганишда самарали услублардан бири минтақавий ёндашув” фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.



“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод қатнашчиларнинг янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади, шунингдек мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш мақсадида қўлланилади.

“Тушунчалар таҳлили” методини амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Мавзуга оид тушунчалар таҳлили”

Тушунча	Ҳал қилувчи куч	Самараси нимада акс этади	Ёндашувни илгари сурган олимлар
<i>Қиёсий динишунослик</i>			
<i>Виждон эркинлиги</i>			
<i>Дин социологияси</i>			
<i>Тотем</i>			

Изоҳ: Бўш устунларга қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн
“У” – таниш маълумот.		
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак		
“+” бу маълумот мен учун янгилик		
“–” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?		

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

“Бумеранг” технологияси

Мақсади: ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Амалга ошириш босқичлари:

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топширик, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални 5 дақиқа давомида синчиклаб ўрганиш талаб этилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи гуруҳ аъзоларини ўқилган маълумот ҳақида фикр алмашиниш имкониятини беради. Бу вазифа учун 5 дақиқа вақт берилади.

3. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат бошқа кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларининг ҳар бири ўқиган маълумот ҳақида фикр алмашиниш имкониятини беради. Бу вазифа учун 10 дақиқа вақт берилади.

4. Барча дастлаб шаклланган гуруҳларга иштирокчилар қайтади, ва фикр алмашинган маълумот юзасидан бошқа гуруҳларга бериш учун савол шакллантиради.

5. Ҳар бир гуруҳдан 1 киши савол беради, ва тўғри жавоб учун 1-3 гача балл қўйилади.

6. Тренер-ўқитувчи барча гуруҳлар тўплаган балларни умумлаштириб, ғолиб гуруҳни эълон қилади.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

“Бумеранг” технологияси асосида вазифа: Олинган материални мазмунини тушуниб олишга ҳаракат қилинг, сўнг гуруҳда муҳокама қилинг

<p style="text-align: center;"><i>1- гуруҳга вазифа</i></p>	<p>Мультискрипт бу ахборот узатишнинг ўзига хос шакли бўлиб, бир томондан катта ҳажмдаги видеоматериаллар билан ишлашни осонлаштиради, иккинчи томондан ўз ичига матн, аудио ва видео каби бир қанча медиавий форматларни олади. Бизни қизиқтирган видеотасма фрагменти ҳамда бу фрагментга тегшли транскрипти тез ва катта аниқликда танлаб олиш мумкин. Мультискрипт ўз ичига учта блокни олади – плеер, “стенограмма” ва “мазмун”. Видеоматериални кўриш учун плеер тагида жойлашган “Play” пиктограммасини босиб керак. Видеотасманинг бизни қизиқтирган фрагментини кўришни уч йўл билан амалга оширсан бўлади:</p> <ul style="list-style-type: none"> - плеер тагида жойлашган курсор ёрдамида; - “Стенограмма” блокида мант фрагментини босиб; - “Мазмун” блокида сарлавҳани активлаштириш орқали
<p style="text-align: center;"><i>2- гуруҳга вазифа</i></p>	<p>Слайд-шоу. Фолентадан шуниси билан фарқ қиладики, унда суратлар фотофильм режимида мустақил равишда варақланади. Суратлар сценарий асосидаги кетма-кетликда қўйилади. Слайд-шоу овоз билан биргалликда аудио-иллюстрация элементларини, яъни аудиоцитаталар, шовқин, овозли эффектлар, ахборот билан тўйинтирилган матнни ўз ичига олиши мумкин. Визуал кетма-кетлик ихтиёрий. Улар воқеа жойидан олинган суратлар ёки архив кадрлари, ҳужжатлар, хариталар, скриншотлар, карикатуралар ва ҳ.к. бўлиши мумкин. Бу технология репортаж, очерк, баъзида янгиликларни иллюстрация қилиш учун керак.</p>
<p style="text-align: center;"><i>3- гуруҳга вазифа</i></p>	<p>Аудиослайд-шоу – замонавий журналистиканинг мультимедиявийлиги сабаб яратилган фотоиллюстрациялаштиришнинг синтетик варианты бўлиб, мустақил жанрга айланди. Бу тушунча 2000 йилларда пайдо бўлган. Баъзи фотографлар фоторепортажларининг тақдимоти учун слайд-шоулардан фойдаланиб, унга тадбирда ёзиб олинган овозни қўллаганлар. Кейинчалик бу усулдан катта нашириётлар фойдалана бошладилар. Аудиослайд-шоу танлаб олинган фотосуратлар ва уларга қўйилган овоздан иборат. Овоз сифатида музикий композиция ёки муаллиф ўқиган матн бўлиши мумкин. Мазмуннинг асоси бўлиб, ташқи шовқин, овозли эффект, аудиоцитата ёрдамида берилган ҳикоя хизмат қилиши мумкин. Визуал қатор сифатида воқеа содир бўлган жойдан олинган суратлар, ёки архив кадрлари, ҳужжатлар, карикатуралар ва ҳ.к. олиниши мумкин.</p>
<p style="text-align: center;"><i>4-гуруҳга вазифа</i></p>	<ul style="list-style-type: none"> - Панорамали фотография – обзор бурчаги катта бўлган фотографиядир. Оммавий воқеаларни ёритишда, объектларни, пейзаж, жойларни тасвирга олишда уларнинг масштабини кўрсатишда актуалдир. - Интерактив фото – шундай фотографияки, унга махсус меткалар қўйилган бўлиб, уларни босганда матн, видео, ссылка, ижтимоий тўрларнинг статуслари чиқади.

1-МАВЗУ: ДИНИЙ МАНБАЛАРНИ ЎРГАНИШ МУАММОЛАРИ.

РЕЖА:

1. Диний манбаларни аниқлаш, танлаш ва таҳлил этиш
2. Ёзма манбаларни тавсиф усули ва уларни талабаларга тушунтириш.
3. “Муқаддас манба” тушунчаси ва унга динлардаги муносабатлар.

Таянч иборалар: Дин, диншунослик, диний манба, диндор, теолог, мазҳаб, антропология, феноменология.

1. Диний манбаларни аниқлаш, танлаш ва таҳлил этиш

Манбашунослик фанини ўрганишдан мақсад талабаларда ушбу фан соҳаси тўғрисида умумий тушунча ҳосил қилиш ва уларда қизиқиш уйғотиш ва Ўзбекистон тарихини манбалар асосида мустақил ўрганишга ҳаракат қилдиришдан иборат.

Тарихий факт ва воқеалар баёни инсон характери, маълумот берувчи шахс, гуруҳ, фирқа, сулола, мазҳаб ва мамлакатлар манфаати йўлида турлича талқин қилиниши мумкин.

Масалан, Ўзбекистон яқин тарихи мамлакатимизнинг XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги сиёсий воқеалар турли даврларда, манбаларда ва турли муаллифлар томонидан турлича талқин қилинмоқда. Булар ўз даврида яратилган ёзма ёдгорликлар, тарихий ҳужжатлар ва солномаларда қандай баён қилинган? Шўро даврида қандай тушунтирилди?

Ва ниҳоят мустақиллик шароитида тарихий адолатни тиклаш, манбалар асосида ҳолис ва объектив бўлиб ўтган воқеаларни билишимиз мумкин ва керак. Бу эса манбашунослик фанисиз, манбаларга илмий ёндошувсиз мумкин эмас. Чунки, ўша даврдаги ёзма ёдгорликлар аксарияти араб алифбоси асосидаги ёзувимизда, бир қисми рус тилида ҳам битилган ва ўша даврга хос тарихий хусусиятларга эга.

Хулоса, манбашунослик фани юртимиз тарихи тўғрисида ҳолис ва объектив билим олишга, ўзлигимизни англашга, бой ва қадимий маданиятимизни билишга хизмат қилувчи тарих фанининг муҳим соҳаларидан биридир.

Оғзаки адабиёт маданиятнинг энг қадимги қисми бўлиб, унинг илдизи ибтидоий жамоа ва илк феодализм тузумига бориб тақалади. Оғзаки адабиётнинг айрим намуналари қадимги юнон тарихчилари, шунингдек,

Табарий, Масъудий, Беруний, Фирдавсий, Ибн ал-Асир каби шарк олимларининг асарлари орқали бизгача етиб келган. Каюмарс, Жамшид ва Сиёвуш ҳақидаги афсоналар, Аморт ва Спаретра, Тўмарис ва Широқ ҳақидаги киссалар шулар жумласидандир.

Уруғчилик даври тарихини, айниқса, патриархал – муносабатларини ўрганишда “Алпомиш”, “Гўрўғли” каби дostonлар, шунингдек, халқ эртаклари, маросим кўшиқлари, матал ва топишмоқларнинг роли ҳам бениҳоят каттадир. Бу халқ дурдоналари турли ижтимоий табақага мансуб кишиларнинг туриш – турмуши, маънавий қиёфаси, урф-одати, айниқса, узоқ ўтмишда ҳукм сурган ижтимоий муносабатлар ҳақида қимматли маълумот беради. Тарихий манбаларнинг бу тури билан фольклор (нем. Фольк – халқ, лоре – билим; донишмандлик, халқ донолиги) фани шуғулланади.

Ёзма манбалар тарихий манбаларнинг муҳим ва асосий туридир. Инсоннинг ижтимоий фаолияти, аниқроғи кишиларнинг ўзаро муносабатининг натижаси ўлароқ яратилган ва ўша замонларда содир бўлган ижтимоий-сиёсий воқеаларни ўзида акс эттирган манба сифатида ўрта аср (V–XIX асрлар) тарихини ўрганишда муҳим ўрин тутаяди. Ёзма манбалар ўз навбатида икки турга бўлинади:

1. Олий ва маҳаллий ҳукмдорлар маҳкамасидан чиққан расмий ҳужжатлар (ёрлиқлар, фармонлар, иноятномалар, молиявий-ҳисобот дафтарлари, расмий ёзишмалар).

Ижтимоий-сиёсий, айниқса, иқтисодий муносабатларга оид масалаларни ўрганишда расмий ҳужжатлар, молиявий - ҳисобот дафтарлари ва ёзишмаларнинг аҳамияти бениҳоя каттадир. Расмий ҳужжатлар ижтимоий-сиёсий ҳаётни маълум юридик шаклда бевосита ва кўп ҳолларда айнан қайд этиши билан қимматлидир. Лекин уларнинг орасида, айниқса, расмий ёзишмаларда сохталари ҳам учраб туради. Шунинг учун ҳам улардан фойдаланилганда диққат-эътибор ва зўр эҳтиёткорлик талаб қилинади. Ҳужжатлар устида иш олиб борганда, ундан бирон ижтимоий-сиёсий воқеа ёки фактни талқин этиш учун фойдаланиш жараёнида, биттаси билан кифояланмасдан, ўхшаш бир неча ҳужжат, манбаларни кўшиб ўрганмоқ зарур, чунки битта ҳужжатда фақат бир келишув ёки факт устида гап боради. Шунинг учун фақат бир ҳужжат билан маълум ижтимоий-сиёсий масала устада қатъий фикр юритиб, умумлаштириб қатъий хулосага келиб бўлмайди.

2. Тарихий, гео-космографик ҳамда биографик асарлар.

Тарихий, гео-космографик, ҳамда биографик асарлар тўғрисида шуни айтиш керакки, улар ҳукмрон синфнинг топшириғи билан ёзилган ва шу туфайли уларнинг саҳифаларида кўпроқ подшоҳлар ва хонларнинг, амирлар ва йирик руҳонийларнинг ҳаёти ва фаолияти ёритилган, моддий бойлик яратувчи меҳнаткаш халқнинг тарихи эса кўп ҳолларда четлаб ўтилган.

Хуллас, бу асарларда, яъни ёзма манбаларда ҳукмрон феодал синфнинг дунёқараши ўз ифодасини топган, ўша синфнинг мақсад ва манфаатлари ифода этилганлиги билан ажралиб туради.

Назарий манбашуносликда энг зарур тарихий манбаларни аниқлаш, танлаш ва ниҳоят уни илмий таҳлил қилиш ҳар қандай катта кичик тадқиқотнинг дастлабки босқичи ҳисобланади.

Танланган мавзунинг илмий ҳамда назарий жиҳатдан тўғри ҳал этилиши кўп жиҳатдан ҳар қандай тадқиқотнинг асоси, пойдеворини ташкил этадиган манбанинг сифат ва салмоғига, яъни мукамаллигига ва фактик материалга бойлигига боғлиқдир.

Манбашунослик талабларидан бири шуки, бирор мавзунинг тадқиқотида бир эмас, балки бир неча манбалар турига – расмий ҳужжатлар, солномалар, гео-космографик, агиографик ва биографик асарларга асосланиб, улардаги маълумотларқиёсий солиштирилиб таҳлил этилса илмий тадқиқот савияси ошиб, хулоса ва умумлашмалар ишонарли ва асосли бўлиб, унинг илмий аҳамияти ҳам катта бўлиши шубҳасиздир.

Тадқиқот учун ёзма манбаларнинг қайси бири асосий ва қайсилари ёрдамчи роль ўйнаши танланган мавзунинг характерига боғлиқдир. Масалан, иқтисодий-ижтимоий масалаларни ўрганишда расмий ҳужжатлар асосий бирламчи манба ролини ўтайдиган бўлса, сиёсий ҳамда маданий ҳаётни ёритиб беришда солномалар – тарихий асарлар ва биографик тазкиралар ҳамда адабий-бадиий асарлар етакчи ўринда турадилар. Лекин шунга қарамай, илмий тадқиқот олиб боришда фақат асосий ҳисобланган биргина бирламчи манба билан кифояланиб қолмай, имкон қадар бошқа иккинчи даражали манбаларга мурожаат этиш, уларни ҳам тадқиқотга жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

Манбашунос олимларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, аксарият тарихий асарлар ижтимоий-иқтисодий масалалар ҳамда маданий ҳаётга оид қимматли маълумотларга бой бўлади. Расмий ҳужжатларда ва биографик асарларда эса сиёсий тарихга оид қимматли фактларни, тарихий асарда йўқ маълумотларни учратиш мумкин.

Манбашуносликдаги илмий ишда кўп ва турли типдаги манбаларга асосланиб, тадқиқ этилмиш мавзуга оид барча манбаларни ишга жалб этиш бўдажак илмий асарнинг қийматини ва аҳамиятини белгиловчи асосий ва ҳал қилувчи омиллардан биридир.

2. Ёзма манбаларни тавсиф усули ва уларни талабаларга тушунтириш.

Аой тарихни ўрганиш ва ўргатиш деганда, фақат ёзма манбаларда мавжуд маълумотлар тўғрисидаги билим ва тушунчаларни шунчаки механик тарзда талаба ва бакалаврларига етказиш эмас, балки анъанавий ва замонавий педагогик усулларнинг энг қулай ва самарали воситаларидан фойдаланган ҳолда, уларда манбалар тўғрисида тушунча, билим ва улардан фойдаланиш малакасини ҳосил қилиш билан бирга, тарихимиз тўғрисида мустақил фикр юритишга ўргатишни ҳам тушунамиз.

Ёзма манбаларни талабаларга тушунтиришнинг бир неча принципи мавжуд. Биринчиси махсус каталоглардаги манбанинг тавсиф принциpidир.

XIX аср охирида пайдо бўлган Европа мамлакатларидаги каталоглар ичида инглиз олими Ч.Ръёнинг кўп томлик араб, форс ва туркий тиллардаги

каталогларидаги ёзма манбани тавсифлаш принципи узининг мукамаллиги ва пухта уйланганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Куйида тил принципи асосидаги Ч.Ръёнинг «Британия музейидаги туркий кулёзмалар» (Лондон, 1888, инглиз тилида) (**Natalogue of the Turkish Manuscripts in the British Museum by Rieu Charles.-London: 1888. 432 p.**). каталогидаги манба тавсифи принципини келтирамиз. Унда ёзма манбанинг музейдаги тартиб раками биринчи булиб сарлавха урнида берилиб, сунгра кулезманинг кодикологик хусусиятлари, варақлар сони, улчами, саҳифадаги сатрлар сони, сатр узунлиги, хати, зийнатлари алоҳида, ихчам тарзда берилган. Сунгра асар номи асл нусхада, яъни араб алифбосида ва унинг таржимаси ажратилиб берилган. Сунгра муаллиф номи ва асарнинг бошланиши ва охиридаги жумлалар аслида, араб алифбосида келтирилган. Ана ундан кейин муаллиф тугрисидаги ва асар таркиби, мазмуни баён этилиб, тавсиф охирида асар тарихнавислиги яъни урганилиши тугрисидаги маълумотлар берилган.

Қатор мавжуд каталоглар асосида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти олимлари Ҳам ўзларича қўлёзма манбаларни илмий тавсифга олиш усулини ишлаб чиққанлар ва бу илмий усул Д.Ю.Юсупова ва Р.П.Жалиловалар томонидан тартиб берилган «Собрание восточных рукописей АН РУз. История» («Тарих») номли каталогида фойдаланилган. Ушбу «Тарих» каталогида манбанинг куйидагича тавсифи берилган: СарлавҲа сифатида асар номи асл нусхада ва унинг таржимаси, қўлёзманинг хазинадаги тартиб раками ва ушбу каталогдаги раками келтирилган. Сунгра асар муаллифи номи билан асосий тавсиф бошланади. Ундан кейин муаллиф тугрисида (имкон даражасида тўлиқ), асар мазмунининг таркиби ва қисқача баёни (аннотацияси) келтирилади. Тавсиф ихчам кодикологик маълумотлар-хати, қоғози, зийнати, хатот номи, қўлёзманинг китобат тарихи, нуқсон, варақлар сони, ўлчами ва адабиётлар (библиография) номларини келтириш билан тугалланади.

Булардан ташқари ёзма манбаларни тавсифлашнинг қомусий ёки энциклопедик принципи Ҳам мавжуд. Биз унинг намунасини «Ўзбекистон энциклопедияси» ва «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» саҳифаларида кўришимиз мумкин.

Кафедрамизда манбашунослик фани киритилганда, илк бор дарс берган проф. Ҳ.Н.Бобобеков ўз маърузаларида қомус принципидан ва қомуслардаги ёзма манбалар тугрисидаги маълумотлардан фойдаланган.

Б.А.Аҳмедов ёзма манбаларни икки турга бўлади: 1) Олий ва маҳаллий ҳукмдорлар маҳкамасидан чиққан расмий Ҳужжатлар (ёрликлар, фармонлар, иноятномалар ва бошқалар). Ушбу асарларда ёзма манбалар алоҳида эмас, балки муаллиф номи остида келтирилган. Бундан ташқари тарихчи Ҳар бир тарихий даврга қисқа таъриф берган. Мазкур дарсликларнинг ижобий хусусияти сифатида уларда далилий маълумотларни кўплилиги, илмийлигини қайд этиш мумкин. Фақат уларда материаллар академик нашрлар каби жойлаштирилган ва дарс ўтиш хусусиятлари инобатга олинмаган.

А.Ҳабибуллаевнинг «Адабий манбашунослик ва матншунослик» (Т.: ТДШИ. 2000) қўлланмаси ва А.А.Мадраимов тузган «Манбашуносликдан

маърузалар мажмуаси» (Т.: ТДПУ 2001)да ёзма манбалар тўғрисида талабаларга маълумотлар бериш дарс жараёни хусусиятларини эътиборга олишга Ҳаракат қилинган. Фақат А.Ҳабибуллаев қўлланмасида адабий манбашуносликка катта эътибор берилган. Унда дарс қуйидаги тартибда тузилган: 1. Мавзу номи. 2. Адабиётлар. 3. Дарс мазмунининг қисқа изоҳи. Сўнгра дарс мазмуни баёни, алоҳида атамалар ва охирида саволлар берилган.

А.А.Мадраимов тузган маърузалар матнида дарс жараёнининг тартиби қуйидагичадир. 1. Мавзу номи. 2. Дарс режаси. 3. Асосий тушунчалар. 4. Дарснинг муфассал мазмуни. 5. Материални мустақкамлаш учун саволлар ва охирида адабиётлар рўйхати келтирилган.

Ушбу махсус каталоглар ва дарсликлардан ташқари қўлёзма китоб тўғрисида ва шарқ манбашунослигига оид тўплам ва китоблар ҳам мавжуд бўлиб, улардаги муҳим ёзма манбаларнинг ҳар бирига алоҳида эътибор берилмаган. Лекин уларда энг муҳимлари тўғрисида матн орасида маълумотлар келтирилади ҳамда манбаларнинг умумий хусусиятлари тадқиқ этилган. Зикр этилган дарслик ва қўлланма, махсус адабиётларнинг барчасида ўзига хос фойдали маълумотлар мавжудлигини тан оламиз. Лекин уларнинг биронтасини илмий-методик жиҳатдан талабаларга манбалар тўғрисида дарс бериш учун мукамал намуна деб олиш мумкин эмас.

Мавжуд илмий адабиётларнинг алоҳидиди ва кафедрамиздаги тажрибаларимиз асосида ёзма манбалар тўғрисидаги техник маълумотлар ва асар мазмуни талабаларга комплекс тарзда тушунтиришнинг энг самарали ва илмий-методик асосларини ишлаб чиқишга Ҳаракат қилинди.

Талабаларга манба тўғрисида комплекс тарзда маълумот бериш керак. Бу эса ёзма манбанинг кодикологик маълумотлар, муаллиф ва унинг яшаган даври, асар таркиби ва мазмуни таҳлили, унинг тарихнавислигини тушунтиришдан иборатдир. Дарснинг ўзига хос хусусиятлари сифатида унинг режаси, мавзуга оид асосий тушунчалар ва қўшимча кўргазмаларни қуроллардан фойдаланишни қайд этиш мумкин.

Ёзма манбалар тўғрисидаги маълумотларни қуйидаги тартибда тушунтиришни энг маъқул ва самарали илмий методологик услуб деб ҳисоблайман.

Кодикологик маълумот ёки таҳлил деганда ёзма манба, унинг муаллифининг номлари ва ноёб қўлёзмалар тўғрисидаги маълумотларни баён этиш тушунилади. Бундай маълумотлар 5 дан 9 гача бўлиши мумкин. (Бундан ортиқча маълумот талабани эътиборини сусайтириши мумкин). Булар кодикологик ёки қўлёзма тўғрисидаги маълумотлар ҳисобланади. Кодикология сўзи латинча *codex*-кодексдан олинган бўлиб қўлёзма китобнинг ўзига хос хусусиятларини англатади.

Кодикологик маълумотлар асар номидан ташқари яна қуйидагилардан иборатдир:

1. Муаллифнинг номи (Ҳаёт йиллари);
2. Асарнинг яратилган вақти;
3. Қўлёзманинг тартиб рақами ва сақланаётган жойи;
4. Энг қадимги қўлёзманинг яратилган вақти ва жойи;

5. Қўлёманинг варақлар сони ва ўлчами.

Уларнинг айримларини Б.А.Аҳмедов манбанинг ташқи белгилари-қўлёмма муқоваси, қоғози ва хатидан ташқари асарнинг ёзилган вақти, жойи, муаллифи, ёзилиш сабаблари, асар ёзилган вақтдаги ижтимоий-сиёсий муҳит, деб тушунтиради¹.

Булар қўлёмма асар тўғрисидаги энг ихчам кодикологик маълумот Ҳисобланади.

Педагог ўрганилаётган манбанинг илмий аҲамиятидан келиб чиқиб, яна қуйдаги қўшимча маълумотлар билан тўлдириш мумкин ва уларни қўлёмма асар тўғрисидаги батафсил маълумотлар деб аташимиз мумкин. Улар қуйдагилардир:

1. Ҳаттотнинг номи ва хат тури;
2. Қўлёманинг кўчирилган жойи;
3. Палеографик хусусиятлари (сиёҲи, қоғози ва қўлёманинг ўзига хос хусусиятлари);
4. Қўлёмма хотимаси-калофон.

Педагог-мутахасис ўз билим савиясига кўра ва ихтиёри билан бу маълумотларнинг барчасини ёки улардан айримларини танлаб талабаларга тушунтириши мумкин. Сўнгги тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бир манба, қўлёмма китоб, битик тўғрисида 60 дан зиёд техник, кодикологик маълумот мавжуд. Албатта буларнинг аксарияти фақат соф илмий академик тадқиқотларда истифода этилади.

Олий таълим тизимининг биринчи босқичи учун асар тўғрисидаги 9 та эслатилган кодикологик маълумотларни кифоя деб ўйлаймиз.

Қўлёммадаги асар муаллифи ва унинг яшаган даври тўғрисида ихчам маълумот келтирилиши зарур. Одатда шарқ тарихчилари номлари ихчам тарзда ва тўла келтирилиши, имкон даражасида номлар оригиналда яъни араб алифбосида берилиши керак. Муаллифнинг туғилган йили ва вафоти, яратган асосий асарлари, уларнинг ҚисҚача мазмуни келтирилиши мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, муаллиф яшаган давр, жамият тўғрисида ҳам талабаларга тушунча бериш зарур.

Талабаларга манбанинг кодикологик хусиятларидан ташқари ёзма манбалардаги асарнинг таркиби ва умумий мазмунини Ҳам тушунтириш лозим. Буларни Б.А.Аҳмедов манбанинг ички белгилари деб атаган². Асар мазмуни ва унинг таркибини тушунтиришда педагоглар талабаларга қуйдаги илмий маълумотларни бериши зарур деб Ҳисоблайман.

1. Асарнинг умумий характери;
2. Асарнинг таркибини таҳлили;
3. Асарнинг мазмунини таҳлил қилиш, ғоявий-сиёсий савияси ва илмий қийматини аниқлаш масалалари назарда тулади;
4. Асарнинг ўзига хос хусусиятлари;

¹ Б.А.Аҳмедов «Ўзбекистон тарихи манбалари».-Т.: ЎИТУВчи, 2001. 17-бет.

² Ўша жойда.

5. Асарнинг ўз соҳасига қўшган янгилиги ва унинг илмий аҳамиятини аниқлаш.

Манбадаги асарнинг умумий характери деганда, асар мазмунининг умумий тарихга, масалан, «Тарихи Табарий», «Равзат ус-сафо», «Жоми ут-таворих» каби асарларга хос хусусиятларини аниқлаш назарда тутилади. Ёки сулолалар тарихи-«Тарихи Байҳақий», «Тарихи салотини манғития» каби асарларга хос хусусиятларни аниқлаш тушунилади.

Булардан ташқари яна хотира характердаги манбалар-«Темур тузуклари», «Бобурнома», «Тарихи Рашидий» каби асарлар хусусиятлари ҳам мавжуд.

Соф тарихий асарлардан ташқари манба сифатида яна тазкиралар-шоирлар, адиблар ва тасавуф намоёндалари тўғрисидаги мажмуалар ҳам катта илмий тарихий аҳамиятга эга.

Дин намоёндалар тўғрисида агиографик характердаги асарлар ҳам муҳим тарихий манба бўлиб хизмат қилиши мумкин. Булардан ташқари ёзма ёдгорликлардан, айниқса, мактублар ва Хужжатлар намуналаридан манбашунослик дарсларида ва шу соҳага оид махсус тадқиқотларда фойдаланиш мумкин³.

Бу ерда келтирилган асар характери тўғрисидаги маълумотлар бакалаврлар учун кифоя деб ҳисоблайман. Ёзма манба ва ундаги асар тўғрисидаги бошқа тафсилотлар махсус илмий тадқиқотларда истифода этилади.

Анъанага кўра, тарихий асарлар «Бисмиллоҳи Раҳмону Раҳим» сўзидан кейин ҳамд, таҳмид – Аллоҳга ҳамду сано билан бошланади. Сўнгра наът - Муҳаммад Пайғамбарнинг таърифи, мактови битилади. Яна тўрт саҳобалар – Халифай Рошидин яъни тўғри йўлдан юрган халифалар - Абубакр Сиддик, Умар, Усмон ва Алиларнинг мадҳи ўрин олади. Шундан кейин тарихчи ўз асарига ҳомийлик қилган шахсни улуғлайди. Алоҳида ибора «Аммо баъд» сўзидан сўнг муаллиф ўзи ва ёзмақчи бўлган асари тўғрисида ихчам маълумот ёки шу хусусида айрим тафсилотларни зикр этади. Буни муаллифлар муқаддима ёки дебоча деб атайдилар. Мана шундан сўнг асарнинг асосий мазмуни баён этилади. Тарихий асарларда асосан икки услубда воқеалар баён этилади.

а) Хронологик тартибда яъни йилма-йил. Бу тартибда «Тарихи Табарий», «Мужмали Фасихий», «Матлаъ ас-саъдайн» ва «Бобурнома» каби асарлар яратилган.

б) Тарихий асарларда энг муҳим воқеалар алоҳида сарлавҳа остида баён этилади.

Бундан ташқари турли Ҳудудларда юз берган воқеалар алоҳида баён этилиши мумкин. Яна айрим тарихий асарларда юқоридаги усуллар аралаш ҳолида ҳам келиши мумкин.

Ҳар бир асарнинг мазмуни муаллифнинг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб ёритилган бўлади. Манбадаги асарнинг мазмунини ёритиш жуда муҳим ва маъсулиятли иш бўлиб, китоб билан тўла

³ Ыша асар. 68, 263 ва бош=а бетлар.

танишиб чиқишни тақазо этади. Педагог-мутахасис ёзма манбалардаги асарнинг бой мазмунини талабаларга илҳам ва лўнда тарзда баён этиши зарур. Бунда ёзма манбалар тўғрисидаги мавжуд тавсиф-каталоглар ҳамда энциклопедик маълумотлардан фойдаланиши мумкин. Умумий тарихга оид асарларнинг аксариятида воқеалар баёни ўз хусусиятига кўра икки хил бўлиши мумкин:

а) Бошқа тарихчилар томонидан баён этилган воқеалар зикрини муаллиф ихчам ҳолда ёки айнан келтирилади. Асарнинг бу қисмини компиляция яъни ўзлаштирма деб аталади. Компиляция сўзи инглизча *compile*-тузмок маъносини англатади.

б) Муаллифнинг шахсан ўзи маълумот йиғиб воқеаларни баён этган қисми оригинал, янги қисми деб аталади

Ёзма манбалар тўғрисида талабаларга маълумот беришда уларнинг ҳар бирининг ўзига хос хусусиятларини ажратиб кўрсатиш жуда муҳимдир. Чунки ҳар бир манба, асар албатта бошқалардан қатор хусусиятлари билан, қайси воқеаларни баёни мавжудлиги билан, қай тарзда баён этилиши билан, қандай манфаатларни ифода этгани билан ўзаро фарқланиб туради. Асарнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашда унинг қандай тарихий асарларга ўхшашлиги, улардан фарқи, ҳамда қандай манбалардан фойдаланиб яратилганлигига алоҳида эътибор бериш зарур.

Ёзма манбадаги асар мазмунининг таҳлили, унинг тарих фани тараққиётига қўшган янгилиги, ҳиссаси билан белгилаш билан яқунланади. Яъни қайси воқеалар биринчи бор ёритилган. Аввалги ёритилган воқеалар баёни қай тарзда талқин этилган. Асарда баён этилган воқеалар юртимиз тараққиётига қай тарзда таъсир этган. Айнан шу масалалар асарнинг юртимиз тарихини ўрганишдаги илмий аҳамиятини очиқ беришга хизмат қилади.

Манбанинг ўрганилиши, унинг тарихнавислиги махсус қўшимча тарихнавислик фанида қай даражада ёритилганлигини аниқлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки бўлғуси педагоглар ушбу манбалар устида мустақил тадқиқот олиб боришлари учун илмий асос яратилади. Манбанинг ўрганилиш тарихи махсус тарихнавислик ёрдамчи фанида тадқиқ этилса-да, манбашуносликда ҳам унинг тўғрисида ихчам маълумот бериш зарур деб ўйлайман.

Бунда асосан манбанинг кўлёмалари қай даражада ўрганилгани, асарнинг асл матни, замонавий матбаа усулида-факсимиле, литографик ва терма тарзда чоп этилганми, ношир яъни нашрга тайёрловчи номи, нашрга ёзилган суз боши, илова қилинган изоҳлар ва кўрсаткичлар мавжудлигини қайд этиш мақсадга мувофиқдир.

Манбанинг ўрганилиши, тарихнавислиги охирида асардаги маълумотлар қандай махсус тадқиқотларда, дарслик ва қўлланмаларда ёритилганлиги баён этилади.

Бир академик соат давомида талабаларга ёзма манбалар тўғрисидаги юқоридаги маълумотларни бериш кифоя, деб уйлайман. Чунки, бу маълумотларга қўшимча тарзда дарс режаси, камида 10 та, асосий тушунчалар, энг кўпи билан 15 та атамалар, манба бўйича фойдаланилган

асосий (5та) ва кўшимча (10тагача) махсус адабиётлар рўйхати талабаларга тавсия этилади. Яна дарс жараёнида кўргазмали қурол сифатида асар кўлёмаси, нашрлари ва бошқа материаллардан, замонавий техник воситалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Дарс охирида ўтилган дарсни мустақамлаш учун саволлар тавсия этилиши керак.

3 “Муқаддас манба” тушунчаси ва унга динлардаги муносабатлар.

Диний матнлар (манбалар, муқаддас ёзув, муқаддас китоб) – бу, турли динларда муқаддас сифатида қаралувчи ва уларнинг диний анъаналарида марказий ўрин эгаллувчи матнлардир. Кўплаб дин, диний-фалсафий таълимот ва ҳаракатлар ўз муқаддас манбалари ваҳий аосида нозил илоҳий китоб эканлигига эътиқод қиладилар. Диний матнларни тавсифлашда фақат ёзма матнлар, оғзаки анъаналар назарда тутилмайди. Одатда диний матнлар ғайритабиий воқеа-ҳодиса ва хабарларни ўзида намоён қилади. Диний матнларда диний билимларни авлоддан-авлодга ўтишида изчиллик бўлиши жуда муҳимдир.

Хусусият. Тарихий, мифологик ёки бошқа бир кўринишдаги диний матн бўладими, албатта, у дунёнинг яралиши, унинг диний тузилиши, илк инсоннинг яратилиши ва ўтмиш аждодлар ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади. Диний матнларда муқаддас диний урф-одат ва маросимлар, хулқ-атвор нормалари ва ижтимоий муносабатларини тартибга солиб турувчи қоидалар баёни катта ўрин эгаллайди. Баъзи диний матнлар барчага тушунарли, баъзилари эса фақат муайян диннинг билимдони воситасида тушуниб этиш мумкин. Кўпчилик динлар ўзларининг диний матнлар ўрганиш ва уларга турли ўзгаришлар киришини чеклаш мақсадида махсус қонун-қоидалар тизимини ишлаб чиққан.

Диний матнлар тарихи. Қадимги Миср пирамидаларидаги битиклар милоддан аввалги 3-мингйилликка (м.а. 2400-2300) оидлигига кўра кўҳна диний матнлардан бири саналади. Финикия алифбосининг дастлабки кўриниши милоддан аввалги биринчи минг йилликка тегишли Қадимги Бобил ҳукмдори Аҳирам саркофаги (қадимги тош тобут)даги битик ҳисобланади. Шунингдек, қадимги Шумер маданиятига доир Гилгамеш достони (вужудга келиш тарихи милоддан аввалги 2-минг йиллик бошларига тўғри келади) турли мифологик образларни қамраб олгани жиҳатидан илк адабий асарлардан биридир. Бундан ташқари, ҳиндуйликнинг асосий манбаси ведаларнинг таркибий қисмларидан бири Ригведа милоддан аввалги 1700-1100 йиллар оралиғида яратилган, қолаверса, ҳануз муомалада бўлган кўҳна диний манба сифатида баҳоланади. Шу билан бирга, Авесто гатларини яратилиши борасида илмий жамоатчилик орасида турли қарама-қарши фикрлар (тахминан мил.ав. 1-минг йилликнинг биринчи ярми) мавжуд бўлса-да, мутахассислар Авестонинг энг қадимги қисмлари ёзма шаклга келтирилмасдан илгари оғзаки ҳолатда янада қадимийроқ тарихга эга эканлигига ишонч билдирадилар. Шунингдек, аксарият олимлар Тавротнинг ёзма ҳолатда шаклланиши ҳам бир неча асрларни қамраб олганлигини таъкидлайдилар. XIX аср охирларида “Мусонинг беш китоби” тўрт асл мустақил манбаларни жамлаш орқали

милоддан аввалги 450 йилда яратилган, деган фикрни илгари сурувчи исбот-далилга эга гипотезалар негизида умумий қараш мавжуд эди (Яҳве – мил.ав. 900 йй.; Элоҳим – мил.ав. 800 йй.; Иккинчи қонун ёзувчилари – мил.ав. 600 йй.; Рухонийларга (Priestly) оид манбалар – мил.ав. 500 йй.).

Қарашлар. Муқаддас матнларга муносабат турличадир. Баъзи динлар муқаддас матнларни кенг ва эркин равишда ошкор қилади. Баъзилари муқаддас сирлар ишончли ва таъсирли тарзда сақланиб қолиши учун уларни оммадан яширишга уринади. Кўп динлар муқаддас матнларнинг миқдорини аниқлаш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши каби ҳолатларни олдини олишга асосий эътибор қаратади. Баъзи динлар эса ўз муқаддас матнларига нисбатан “худонинг каломи” сифатида ёндошсалар-да, аммо улар худо томонидан ваҳий қилинганлиги сабабли ўзгартириб бўлинмас жиҳатига эгаллиги тўғрисида қарама-қарши фикрлар билдирилади. Матнларни таржима қилишда расмий ижозат олинади, аммо асл муқаддас тилнинг қатъий ўзгармас эканлигига эътибор қаратилади. Баъзи динларда муқаддас матнлардан нусха кўчириш текин ва имтиёзли шаклда амалга оширилади, баъзиларида эса бу борада тўлов ва муаллифлик ҳуқуқига қатъий риоя қилиш талаб қилинади. Муқаддас матнларга қўйилган турли белгилар ҳам уларнинг орасидаги муайян фарқларни кўрсатувчи жиҳат саналади. Масалан, баъзи муқаддас матнларда маълумотларни бир-биридан ажратувчи саҳифаларнинг рақами бўлса (сикхизм), баъзиларида эса берилган маълумотларни маълум ном ва рақамлар (Иброҳимий динлар – сура, оят)намоён бўлади⁴.

Назорат саволлар:

1. Диншунослик фанининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
2. Диншунослик дарсларини ўқитишнинг ўзига хос жиҳатлари нималарда намоён бўлади?
3. “Динларни ўрганишда минтақавий ёндашув” деганда нимани тушунасиш?
4. Динларнинг қандай таснифларини биласиз?
5. Динларни минтақавий кесимда ўрганишни таклиф этган олимлардан кимларни биласиз ва уларнинг қандай асарлари бор?

Адабиётлар рўйхати:

1. Тайлор Э. Первобытная культура. М., 1989.
2. Религиозные традиции мира. Буддизм, иудаизм, христианство, ислам. Справочник школьника. Бишкек, 1997.
3. Радугин А.А. Введение в религиоведение: теория, история и современные религии. М., 1996; 2-е издание, исправленное и дополненное. М., 1999.
4. Основы религиоведения. Под редакцией И.Н.Яблокова. М., 1994. Издание второе, переработанное и дополненное. М., 1998.
5. Лекции по истории религии. Учебное пособие. Санкт-Петербург, 1997.

⁴ Hillary Rodrigues, John S. Harding . Introduction to the study of religion. – USA, Routledge, 2009. – P. 101.

6. Лекции по религиоведению. Под редакцией профессора И.Н.Яблокова. М., 1998.
7. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. – Т.: Ислом университети, 2005.
8. Маънавият асосий тушунчалар изохли луғати. –Т.:Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009.
9. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.: Ўзбекистон, 2000.
- 10.Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири. Т.: Адолат, 1998.
- 11.Беруний Абу Райҳон. Танланган асарлари: Т.1. (Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар) Т.: Фан, 1968.
- 12.Йўлдошхўжаев Ҳ., Раҳимжонов Д., Комилов М. Диншунослик: маърузалар матни. Т.: 2000й.
- 13.Қуръони карим.-Т.: «Чўлпон», 1993 йил.
- 14.Хусниддинов З.М. «Ислом: йўналишлар, оқимлар, мазҳаблар». «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти. Тошкент, 2000 йил.
- 15.Ҳасанов А.А. «Қадимги Арабистон ва илк ислом, жоҳилия асри». «Тошкент ислом университети», 2001 йил.
- 16.«Ислом зиёси ўзбегим сиймосида». «Тошкент ислом университети» нашриёти, 2001й.
- 17.«Шарқ» нашриёт – матбаа концернининг бош таҳририяти. Т.: 1998 й.
- 18.Шайх Муҳаммад Хузарий. «Нурул яқин ва итмомул вафоъ». Мовароуннаҳр нашриёти, 1992 йил.
- 19.Исҳоқов М.М. Халқ даҳосининг қадимги илдизлари ва илк куртаклари (Зардуштийлик, Зардушт ва Авесто ҳақида) // «Тил ва адабиёт таълими» журнали, № 2 (1992), Б. 3-12.

2-МАВЗУ: ЯХУДИЙЛИК ВА ХРИСТИАНЛИК ДИНИЙ МАНБЛАРИ

РЕЖА:

1. Яхудийлик ва христианлик диний манбалари.
2. Таврот таркибига кирган китоблар
3. Янги Ахд

Таянч иборалар: яхудийлик, таврот, янги ахд, адён, умам, радд, христианлик, аҳли китоб.

1. Яхудийлик ва христианлик диний манбалари.

Яхудийлик диний манбаларининг асосий қисми ТаНаХ таркибига киради. ТаНаХ яхудийлик муқаддас ёзувларини ибронийча (қадимий яхудий тили) номланиши сифатида қабул қилинган. Бу христианлик муқаддас манбалари таркибига кирган “Қадимий ахд” қисмига тўғри келади. ТаНаХ сўзи яхудийлик муқаддас ёзувларининг уч асосий қисми – Таврот (Мусонинг беш китоби), Невиим (пайғамбарлар) ва Кетувиим (ёзувлар) сўзларининг бош ҳарфларидан келиб чиққан. “ТаНаХ” атамаси дастлаб яхудийлик илоҳиётининг ўрта асарларга оид асарларида кўлланилган. ТаНаХ олам ва одамнинг яратилиши, илоҳий ахд ва амрлар ҳамда яхудий халқи вужудга келишидан Иккинчи ибодатхона (Второго Храма) даври бошигача бўлган тарихни тасвирлайди. Яхудийликка кўра, яхудий халқи инсонларнинг сараси бўлганлари сабабидан бу китоблар муқаддас ҳисобланади ҳамда ТаНаХ яхудийлик дини моҳиятини ёритиши билан бир қаторда христианлик ва ислом динининг шаклланишида асос бўлиб хизмат қилган. ТаНаХ 24 китобни ўз ичига олади. Китоблар таркиби “Қадимги Ахд”нинг протестантлик оқимига оид вариантга мос келиб, фақат китобларнинг жойлашувида фарқ кузатилади. Лекин у бошқалардан кўра яхшироқ тартибда эканлигини Бобил Талмудига келган маълумотлар тасдиқлайди. “Қадимги Ахд”нинг католик ва православия оқимларига оид вариантда эса Септуагинта⁵ китобини ҳам қўшимча равишда ТаНаХ таркибига кирганини кўриш мумкин.

⁵ Септуагинта – “Қадимги Ахд”нинг таркибига кирган китоблардан бири. Бу китоб эраизмининг бошида яхудийлик динига эътиқод қилувчи Александр томонидан киритилган бўлиб, шу сабабли ҳам баъзи манбаларда Септуагинта Александр канони (қонуни)ни номи билан аталади. Септуагинта матнларнинг жойлашуви ва бўлимларнинг таркибига кўра ТаНаХ дан етарлича фарқ қилади. Бу фарқни ТаНаХдан фарқли равишда Септуагинтада биринчи Кетувим, сўнгра Невиим (пайғамбарлар китоби) келишида кўриш мумкин. Шунга ўхшаш бир неча ўзгаришлар сабабидан бугунги кунда бу китоб яхудийлар томонидан қабул қилинмайди, фақатгина христианликка оид солнома асарларда унинг номи сақланиб қолган.

Яхудийлик муқаддас манбалари ёзилиш жанри ва вақтига қараб уч қисмга бўлинади:

1. Таврот ёки Қонун (Мусонинг беш китоби).
 2. Невиим (пайғамбарлар). У ўз ичига пайғамбарлар ҳаётидан ташқари бугунги кунда тарихий солнома деб юритиладиган бир неча китобларни қамраб олади. Ўз навбатида “Невиим” китоби ҳам икки қисмга ажралади:
- Аввалги пайғамбарлар китоблари: Иисус Навин, “Ҳукмлар”, Самуилнинг икки китоби ва иккита “Подшоҳлик” китоби;
 - Кейинги пайғамбарлар китоблари: Улар учта катта пайғамбар – Исаия, Иерамия, Иезекиил ва 12 та кичик пайғамбарлар китобларидан иборат.
“Кетувим” қисми “Забур”, “Қиссалар”, Иов китоби, Соломоннинг “Кўшиқлар кўшиқлари”, Руф китоби, “Иерамия йиғиси” ва солномалар китобини ўз ичига олади.

2.Таврот таркибига кирган китоблар. “Қадимги Аҳд”нинг ичидаги диний таълимот ва ақидага бағишланган энг асосий ва обрўли қисми Таврот бўлиб, у христианлик анъанасига кўра “Беш китоб”, яхудийлик анъанасига кўра “Тора” (таълимот) ҳисобланади. У ўз ичига “Ибтидо”, “Чиқиш”, “Левит”, “Сонлар” ва “Иккинчи қонун” китобини қамраб олади.

“Ибтидо” милоддан аввалги 1400 йилларда Худонинг буйруғига кўра Мусо пайғамбар томонидан ёзиб олинган. Унда Худо оламни қай йўсинда яратгани, одамзотнинг гуноҳга ботгани, бунинг натижасида оламга азоб ва ўлим келиши ҳақида хабар берилади. Шунингдек, унда дунёдаги халқларнинг вужудга келиши ва жаҳонга тарқалиши тарихи баён қилинган. Одам Ато ва Момо Ҳавво, Ҳобил ва Қобил, Нух, Иброҳим, Лут, Исҳоқ, Исмоил, Яъқуб, Юсуф, фиръавн ва бошқа шахслар, Тўфон, Бобил минораси ва тиллар чатишуви, Садом ва Ғаморанинг хароб бўлиши сингари энг қадимги ходисалар ҳам “Ибтидо”дан ўрин олган.

“Чиқиш” китобида Мусо пайғамбарнинг туғилиши, ҳаёти, Миср фиръавни томонидан қаттиқ зулмга тортилган яхудийларни Яхве амри билан халос қилгани, унга Тур тоғида Яхве томонидан ўнта “амр”нинг берилиши ҳақидаги ривоятлар келади. Бундан ташқари, бу китобда яхудийликнинг ибодатлари, расм-русумларига тааллуқли кўрсатмалар берилган. Умуман олганда, “Чиқиш” китобини уч қисмга бўлиш мумкин. Биринчи қисмдаги аксарият воқеалар (1-13 боблар) Миср юртида рўй беради. Бу қисмда Бани Исроил халқи бу ерда фиръавнга кул бўлиб хизмат қилиши ва уларни Худо Яхведан бу қийинчиликлардан халос этиш учун ёрдам сўрашлари, шу аснода Мусо (а.с.) пайғамбар сифатида Худо Яхве томонидан танланишлари, Мусо пайғамбар асли Исроил халқидан бўлиб, Миср маликаси уни ўғил қилиб асраб олгани, Мусо пайғамбар фиръавндан Исроил халқини озод қил, деб талаб қилганда, фиръавн томонидан бир неча бора рад жавоби берилиши, бунинг натижасида Худо Яхве Мисрга ўнта офат юборгани ҳақида баён қилинади. Бу офатлар “Чиқиш” китобида кўпинча “ўнта ўлат”, деб аталади. Юқоридаги воқеалар интихоси эса Бани Исроил халқини Миср еридан чиқиб кетиши билан якун топади.

Китобнинг иккинчи қисмида (14-18 боблар) Исроил халқи “муқаддас тоғ” – Синайга йўл олганларида бошларидан кечирган воқеалар баён қилинади. Бу қисмда келишича, Миср фиръавни Исроил халқини озод қилиш фикридан дарров қайтиб, лашкарларига улани тутиб келишҳақида фармон беради, лекин худо Яхве Исроил халқини ҳимоя қилиб, Миср лашкарини сувга фарқ қилади.

Китобнинг охириги қисмидаги воқеалар (19-40 боблар) Синай тоғида юз беради. Худо Яхве бу тоғда Мусога зоҳир бўлиб, унга ўнта амрни, шунингдек, сажда қилиш, қурбонлик келтириш, кундалик турмуш тўғрисидаги қонунларни, муқаддас чодир ва чодирнинг жиҳозларини ҳамда қурбонгоҳларни яшаш, руҳонийлик либослари тўғрисидаги кўрсатмаларни беради. Бу қисмда халқ бут ясаб, ўнта амрнинг биринчиси бўлмиш – “худодан бошқага сажда қилмаслик” (20:2-3) оятига хилоф иш қилганлари тўғрисида ҳикоя қилинади.

Тавротнинг учинчи китоби баъзи манбаларда **“Левит”**, баъзиларида эса **“Саҳрода”** деб номланади. Номланишда фарқ бўлишига қарамай, бу китоб бир маънони ўзида ифода этади, яъни, Исроил халқининг Мисрдан озод бўлиб чиққандан кейинги тарихи баён этилади. Мазкур китобни уч қисмга бўлиш мумкин. Биринчи қисмда (1:1-10) Худо Мусога: “Халқни санаб чиқ!”, деб амр берганидан сўнг Исроил халқининг қароргоҳда жойлашиши ва Леви⁶ қабиласининг мажбуриятлари тўғрисида Мусога кўрсатмалар беради. Бу қисм халқнинг Фисих байрамини нишонлаши⁷ ва Худо Яхвега қурбонликлар назр қилиш тўғрисидаги ҳикоя билан тугайди.

Иккинчи қисм (10:11 – 21:20) Исроил халқи Йордан дарёсининг шарқида яшаётган Мўаб халқининг юртига йўл олганда юз берган воқеаларни ўз ичига олади. Мазкур қисмдаги маълумотларга кўра, бу сафар Мисрдан чиққандан кейинги энг қийин сафар бўлиб, халқ кўп шикоят қилади, ҳатто, Худога ва Мусо пайғамбарга қарши исён кўтаргани, Канъон юртига хужум қилишдан бош тортгани оқибатида Худо Исроил халқини жазолайди: қирқ йил саҳрода қолдиради.

Бу китобнинг учинчи қисми (21:21-36:13) Исроил халқининг Йордан дарёси шарқидаги ерларни эгаллаши тўғрисидаги ҳикоя билан бошланади ҳамда Исроил халқига худо томонидан бир неча қонунлар бериши билан ниҳоясига етади. Умуман олганда, Тавротнинг маълум бир таркибий қисми ҳисобланувчи мазкур китоб исёнкор, руҳан тушкун, Худодан умидини узган халқ тўғрисида ҳикоя қилади.

Талмуд. Яҳудийлик диний манбаларидан яна бири Талмуддир. Талмуд (қад.яҳуд. “ламейд” – “ўрганиш”) – ўз таркибида Мишна ва Гемара (яъни, Галаха – яҳудий дини қонунлари)ни жамлаган, яҳудийлик диний-ахлоқий

⁶ Яҳудийлик манбаларига кўра, Леви қабиласи Бани исроил халқидан бўлмаганлиги сабабли аҳолини рўйхатга олиш жараёнида иштирок этмаган. Тавротнинг “Саҳрода” китобининг 1:50 оятидаги хабарга кўра, Леви қабиласи Худо билан халқ ўртасидаги тузилган “муқаддас аҳд чодирини” ва унинг ҳамма ашёларини кўтариб юриш учун Худо томонидан танланган.

⁷ Фисих байрами – Бани Исроил халқини фиръавн зулмидан халос бўлганлиги ҳамда Мисрдан кўчиб чиққанлиги муносабати билан уюштирилаётган яҳудийлик маросимларидан бири.

меъёрлари ва қонунларидан иборат кўп жилдлик тўпламдир. Ортодоксал яхудийликнинг марказий нуқтасида Мусо пайғамбар Тур тоғида бўлган пайтда Тавротни қабул қилиб олганлигига ишониш ётади. Ёзма ТаНаХдан фарқли ўлароқ, юқоридаги вазиятнинг тафсилоти авлоддан-авлодга оғзаки равишда ўтиб келиши натижасида Талмуд шаклланди.

“Галаха” деб номланган диний қонунларга оид матнларни ҳисобга олмаганда, Талмуд кўп сонли мифологик ва эртақона сюжетлар, халқ афсоналари, тарихий, тиббий ҳамда сеҳргарлик матнларини қамраб олган. Буларнинг барчаси “Агада” деб юритилади. Талмуд таркибига кирган асарларнинг асосида ТаНаХга, айниқса, унинг биринчи қисми ҳисобланмиш Тавротга ёзилган шарҳлар ётади.

Талмуд таркибий тузилиши тўғрисида гапирганда, ундаги матнлар турли тилларда эканлиги эътиборни тортади. Талмуднинг аксарият қисми оромий тилининг турли шеваларида ёзилган бўлиб, улар қадимги яхудий сўзлари, иборалар ва тушунчалар ҳамда Тавротда учрайдиган лавҳалардан олинган иқтибослардан иборат. Шунингдек, Талмудда тахминан 2.500 та қадимги юнон ва яқин шарқ тиллари, баъзида эса форс ва лотин тилларига оид шевалардаги сўзлар учрайди.

Қадимдан Талмуд мантлари синтантик элементлар билан белгиланмаган бўлиб, абзацларни бир-биридан ажратилмаганлиги ўқишда мураккаблик туғдирган, бу эса бир мунозарани бошланиш ҳамда тугаш нуқталарини аниқлашда қийинчиликларга олиб келган.

Талмуд матнларининг мазмун-моҳияти ҳақида гапирадиган бўлсак, унда яхудийларнинг эсхатологик (охират, қиёмат, марҳумларнинг тирилиши, у дунёдаги ажр ва жазо тўғрисидаги) тасаввурлари ўз аксини топган. Талмудда яхудийликнинг маросимлари, урф-одатлари аниқ баён этилган бўлиб, улар 248 та буйруқ ва 365 та тақиқни ўз ичига олади. Шунингдек, унда қадимий яхудийлар орасида дин, фирқа, гуруҳлар (садуқийлар, фарзийлар, ессейлар)нинг келиб чиқиши ҳақида тарихий маълумотлар келтирилган. Унда баён этилган диний қонун-қоидалар, ақидалар, кўрсатмалар яхудий динининг асосини ташкил этади.

Христиан Библияси Эски ва Янги Аҳддан ташкил топган. Эски Аҳд том маънода яхудийлик тарихига оид маълумотларни қамраб олган бўлишига қарамай, Библия таркибига киритилиши уни Исо Масих келиши тўғрисида хабар берувчи манба деб ҳисобланиши билан боғлиқ. Аммо Эски Аҳд таркибидаги китобларни жойлашуви бўйича христианлик йўналишлари ўртасида муайян фарқлар кузатилади. Масалан, католик ва православ йўналишда Эски Аҳднинг аксарият илова китоблари (deutero-canonical books) Библия таркибига киритилган. Сулаймон донишмандлиги, Товит ва Джудит қиссаси, Маккэбиан тарихи каби китоблар шулар жумласидан. Бу китоблар христианлик дини вужудга келишидан олдинги икки аср мобайнида яхудий аҳоли орасида истеъмолда бўлган ҳамда диний китобларнинг (scriptures) юнончи таржимаси – Септуагинта таркибига киритилган. Янги Аҳд ҳам илк бор юнон тилида ёзилган, дастлабки христиан жамоаларининг кўпчилигини юнон тилида гаплашувчилар ташкил қилган, шу боис, улар Эски Аҳд сифатида

Септуагинтадан фойдаланишган. Бироқ, милодий 1-асрда (90 й.) яҳудий руҳонийлари томонидан мазкур китоблар иброний диний манбалар (The canon of Hebrew scriptures) сирасига кирмаслиги белгилаб қўйилди. Шунинг учун протестантлик йўналиши илк намоёндалари Библия таркибини белгилашда иброний раввиник матнлар стандартини асос қилиб олиб, Библияни маҳаллий тилларга таржимаси (Лютер таржимаси ёки инглизча қирол Иаков Библияси)да юқоридаги китобларни киритмадилар. Протестантлик Библиясига кирмаган ушбу қисм Апокрифа (The Apocrypha) деб номланди. Кейинчалик Рим католик черкови томонидан Трент собор⁸да мазкур китобларни муқаддас диний манба сифатидаги мақоми қайта тикланди. Шунингдек, улар православлик йўналиши муқаддас китоблари қаторида сақланиб қолди. Қолаверса, ҳозирда бу китоблар Библиянинг замонавий таржималари ичига киритилган.

3. Янги Аҳд тўртта хушхабар (The Gospel)ни ўз ичига олади: Матто, Марк, Лука ва Юҳанно. Булардан дастлабки учтасида Исо Масих ҳаёти ва фаолияти, ўлими ва вафотининг учинчи куни қайта тирилиши ҳақидаги ўхшаш хабарлар жамланганлиги учун “синоптик хушхабар” (бир текис йиғма, тўпланган) деб аталади. Юҳанно Инжилида эса асосий нуқта пайғамбарнинг халоскор сифатида намоён бўлиши ҳисобланиб, руҳни бу дунё изтиробларидан халос қилишни “ақлбовар қилмас намунаси” Исо Масих ҳаёти мисолида тасвирланади. Шу билан бирга, Янги Аҳд хаворийлар (масалан, Павел (Paul), Петер (Peter), Иаков (James), Юҳанно (John) ва б.) мактубларидан иборат бўлиб, уларда милодий 1-асрда илк черков фаолиятини ташкил қилиш учун зарур ҳисобланган илоҳиёт, таълимот, эътиқод ва ахлоқга оид масалалар муҳокама қилинади. Хаворийлар мактублари орасида – римликлар, коринфликларга биринчи ва иккинчи, галатиялик, филиппиликлар, салоникаликлар ва Филимонга жўнатилган номалар Павелга тегишли эканлигида шубҳа билдирилмайди. Қолганлари эса мазмунан Павел мактубларига ўхшашлиги юзасидан улар ҳам Павелга тахминий нисбат берилади. Умуман олганда, Янги Аҳд таркибий қисмини ташкил қилган “Хаворийлар фаолияти” китоби биринчи Троица байрами⁹дан апостол Петер ва Павелнинг христианлик динини ёйишга бағишланган сафари (Evangelical tour) амалга ошгунга қадар бўлган давр ҳақида ҳикоя қилади. Янги Аҳднинг яна бир қисми саналувчи “Ваҳий” китоби дунёнинг охири ва Ер юзига Исо Масихнинг иккинчи тушиши хусусида хабар беради. Янги Аҳдни ташкил этган барча китоблар Исо Масих вафотидан кейинги дастлабки юзйиллик ичида ёзилган бўлиб, улардан қайси бири Янги Аҳд таркибига кириши ёки олиб ташланиши тўғрисидаги яқуний қарорга милодий 4-асрдагина келинган.

Назорат саволлар:

1. Динларни зоҳирий ўрганиш ҳозир қандай аталади?

⁸ Рим католик черкови томонидан 1545-1563 йиллар орасида Италиянинг Тренто шаҳрида протестантлик ҳаракатини қоралашга бағишланиб ўтказилган собор бўлиб, унда анъанавий католик эътиқодлари қайта белгиланган ҳамда “аксил-ислоҳатчилик компанияси” мақсад-вазифалари ишлаб чиқилган.

⁹ Троица куни (байрами) – пасха байрамидан кейинги еттинчи якшанба куни ўтказилиб, унда Исо Масих осмонга кўтарилгач, унинг шогирди киёфасида Муқаддас Рухни тушиш ходисаси нишонланади.

2. Шарқ алломаларидан кимларнинг диншуносликка оид асарлари ғарб тилларига таржима қилинган?
3. Исломдан аввалги араблар қандай илмлар билан шуғулланганлар?
4. Ал-Бағдодийнинг қандай асарини биласиз?
5. “Китоб ал-асном” китобининг муаллифи ким?
6. Динларни ўрганишди тарихий-тавсифий усул нима?
7. Абу Райҳон Берунийнинг қандай асарларини биласиз?

Адабиётлар рўйхати:

20. Тайлор Э. Первобытная культура. М., 1989.
21. Религиозные традиции мира. Буддизм, иудаизм, христианство, ислам. Справочник школьника. Бишкек, 1997.
22. Радугин А.А. Введение в религиоведение: теория, история и современные религии. М., 1996; 2-е издание, исправленное и дополненное. М., 1999.
23. Основы религиоведения. Под редакцией И.Н.Яблокова. М., 1994. Издание второе, переработанное и дополненное. М., 1998.
24. Лекции по истории религии. Учебное пособие. Санкт-Петербург, 1997.
25. Лекции по религиоведению. Под редакцией профессора И.Н.Яблокова. М., 1998.
26. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. – Т.: Ислом университети, 2005.
27. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. –Т.:Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009.
28. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.: Ўзбекистон, 2000.
29. Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири. Т.: Адолат, 1998.
30. Беруний Абу Райҳон. Танланган асарлари: Т.1. (Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар) Т.: Фан, 1968.
31. Йўлдошхўжаев Х., Раҳимжонов Д., Комилов М. Диншунослик: маърузалар матни. Т.: 2000й.
32. Қуръони карим.-Т.: «Чўлпон», 1993 йил.
33. Хусниддинов З.М. «Ислом: йўналишлар, оқимлар, мазҳаблар». «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти. Тошкент, 2000 йил.
34. Ҳасанов А.А. «Қадимги Арабистон ва илк ислом, жоҳилия асри». «Тошкент ислом университети», 2001 йил.
35. «Ислом зиёси ўзбегим сиймосида». «Тошкент ислом университети» нашриёти, 2001й.
36. «Шарқ» нашриёт – матбаа концернининг бош таҳририяти. Т.: 1998 й.
37. Шайх Муҳаммад Хузарий. «Нурул яқин ва итмомул вафоъ». Мовароуннаҳр нашриёти, 1992 йил.
38. Исҳоқов М.М. Халқ даҳосининг қадимги илдизлари ва илк куртаклари (Зардуштийлик, Зардушт ва Авесто ҳақида) // «Тил ва адабиёт таълими» журнали, № 2 (1992), Б. 3-12.

3-МАВЗУ: ЗАРДУШТИЙЛИК МАНБАЛАРИ

РЕЖА:

- 3.1. Зардуштийликнинг пайдо бўлиши.
- 3.2. Авестонинг муқаддас ёзуви.
- 3.3. Зардуштийлик маросимлари.

Таянч иборалар: зардуштийлик, Авесто, иймон, дин психологияси, дин социологияси, дин – ижтимоий ҳодиса.

3.1. Зардуштийликнинг пайдо бўлиши.

Марказий Осиёда милоддан аввалги II–I минг йилликларда вужудга келган. У дунёдаги энг қадимий динлардан бири ҳисобланиб, унга мил. ав. XII–VI асрларда Марказий Осиё, Озарбайжон, Эрон ва Кичик Осиё халқлари эътиқод қилганлар.

Зардуштийлик бошқа барча динларга нисбатан бевосита ва билвосита энг кўп таъсир ўтказган диндир, дейиш мумкин. Зардуштийликда ҳар бир киши устидан илоҳий ҳукм амалга оширилиши, жаннат ва жаҳаннам, қиёмат-қойим, унда тананинг қайта тирилиши, тана ва руҳ қайта бирлашиб мангу яшаши ҳақидаги таълимотлар мавжуд. Зардуштийлик дини Зардушт номига нисбат берилиб, шартли равишда шундай атаб келинади. Аслида эса, мазкур диннинг муқаддас китоби ҳисобланмиш «Авесто»да у «Маздаясна» дини деб аталган. Бу сўзни «Маздага сиғинмоқ» деб таржима қилиш мумкин. «Мазда» сўзи «дониш, донишманд, оқил» каби маъноларда талқин этилади. Зардуштийлик шунингдек, «Бехдин», яъни «Энг яхши дин» деган ном билан ҳам улуғланган. Унинг таълимотига кўра, борлиқ Мазданинг иродаси билан яратилган. «Мазда» сўзи олдига улуғлаш маъносини англатувчи «Ахура» қўшилиб, зардуштийликнинг илоҳиёти – Ахура-Мазда номи пайдо бўлган. Бу – «Жаноб Мазда» ёки «Илоҳ» демакдир.

Зардуштийлик таълимоти Марказий Осиёда ибтидоий даврда мавжуд бўлган табиат кучларини илоҳийлаштирувчи эътиқодларга нисбатан монотеистик таълимот ҳисобланади. Зардуштийлик негизида оламнинг қарама-қаршилиқлар кураши асосига қурилиши, яхшилик ва ёмонлик, ёруғлик ва қоронғулик, ҳаёт ва ўлим ўртасидаги абадий кураши ҳақидаги ғоялар ётади. Барча яхшиликларни Ахура-Мазда ва барча ёмонликларни Анхрамайньо (ёки Ахриман) ифодалайди.

Зардуштийликда имон фикрлар софлиги, сўзнинг собитлиги, амалларнинг инсонийлигига асосланади. Ҳар бир зардуштий кунига беш марта

ювиниб, покланиб, Қуёшга қараб, уни олқишлаб сиғиниши шарт ҳисобланган. Зардуштийлик ибодатхоналарида доимий равишда олов ёниб туради. Уларда дунёдаги тўрт унсур – сув, олов, ер ва ҳаво улуғланади.

VIII асрда Марказий Осиёга ислом дини кириб келиб, кенг тарқалгунига қадар зардуштийлик маҳаллий халқларнинг асосий дини ҳисобланган. Тарихий шароитлар таъсирида зардуштийликка эътиқод қилувчи жамоалар сони қисқариб, бугунги кунда тахминан 100 минг нафарни, уларнинг аксариятини эса Ҳиндистоннинг Бомбэй штатига тааллуқли районлардан бирида яшовчи парслар¹⁰ ташкил қилади.

Авесто зардуштийликнинг муқаддас китоби ҳисобланади. У “Апастак”, “Овисто”, “Овусто”, “Абисто”, “Авасто” каби шаклларда ҳам ишлатиб келинган. Авесто Марказий Осиё, Эрон, Озарбайжон халқларининг исломгача даврдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, олам тўғрисидаги тасаввурлари, урф-одатлари, маънавий маданиятини ўрганишда муҳим манба саналади.

У бизгача тўлиқ ҳолда етиб келмаган. Бизгача етиб келган Авесто, Берунийнинг ёзишича, аслининг бешдан икки қисми холос. У “Авесто 30 наск (бўлим) эди, мажусийлар (зардуштийлар) кўлида 12 наск чамаси қолди”, – деб ёзган.

Авесто қисмлар, яъни китоблардан иборат бўлиб, уларнинг орасида асосий литургик (оммавий равишда бажариладиган ибодатларга хос) матн сифатида Ясна қаралади. Ясна асосини гатлар ташкил қилиб, у Зардушт ва унинг бевосита издошлари томонидан баён қилинган мадҳларни қамраб олади. Шунингдек, гатлар зардуштийликка оид ибодатларни бажарилишида бирламчи ўрин тутаяди. Авестонинг бошқа бир китоби Видавдод бўлиб, у гуноҳлардан покланишга тегишли қоидалар мажмуасидир. Виспарад эса “кичик худолар” (spiritual lords)га аталган литаник (худога мурожаат пайтида йиғлабсираб айтиладиган ёки ўқиладиган ибодатга оид) ритуаллар тўпламидир. Авестонинг яна бир Яшт китоби Зардушт қаҳрамонликларини бадиий тарзда ифодаловчи ҳикояларни ўз ичига олади.

3.2. Авестонинг муқаддас ёзуви.

Авестонинг муқаддас ёзуви. Авесто фақат диний манбагина эмас, балки дунёвий билимлар, тарихий воқеалар, ўзи тарқалган ўлкалар, элатларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, маданий ва маънавий қарашлари, диний эътиқодлари, урф-одатлари ҳақидаги манба ҳамдир. Унда баён этилган асосий гоёлар диний эътиқоднинг илк содда билимлари Зардушт деган пайғамбар номи билан боғланган. У “Авесто” нинг энг қадимий қисми “Гат” (хат номи) ни ижод этган. “Авесто” таркибига кирган билим, маълумотлар қарийб миллоддан аввал 3000-йиллик охири ва 2000-йиллик бошларидан то миллоднинг бошларигача ўтган даврда юзага келган; авлоддан-авлодга оғзаки ўтиб олинган, унинг буқа терисига ёзилган кўп қисми йўқолган, еттидан бир қисми сақланган. У миллоддан аввалги 3 асрда Ашракийлар сулоласи даврида тўпланган.

¹⁰ Парс – 8-асрда Форс кўрфази мусулмонлар тарафидан эгалланиши натижасида Ҳиндистон ва Покистонга қараб йўналган зардуштийлик тарафдорлари номи.

Зардуштийлик дини таълимотини қуйидаги уч тарихий қисмга бўлиш мумкин; 1. Энг қадимий қисми милоддан аввалги 3-минг йилликда вужудга келган Яштлардир; уларда уруғчилик тузумидаги эътиқодлар, кўп худолик тасаввурлари тасвирланган; 2. Гатлар деб аталган қисмқдир. Бунда Ахурамазда номли худо ҳақида фикрлар ёзилган; 3. Қадимий кўп худолилик ва кейинги якка худолик гоёлари орасидаги кураш шароитларида эрамиздан аввалги V асрда ҳар иккисини келиштирган маздакийлик дини шаклланган. "Авесто" бу диннинг охириги ва асосий қисмини баён этган.

Шоҳ Виштаса фармониға биноан "Зардушт 1200 бобдан иборат пандномаси "Авесто"ни олтин тахтачаларға ёзиб, шоҳнинг оташкадасиға топширган" деб ёзганди Фирдавсий. Кейинчалик бу "Китоб" 12 минг буқа терисиға битилган, македониялик Искандар Зулқарнайн Шарк ўлкаларининг бир қисмини забт этганда унинг нодир нусхасини Элладаға элтиб, керакли жойларини таржима қилдирган, колганини ендирган". "Авесто" юқорида айтилганидек, энг қадимий якка худочиликка асосланган диннинг биринчи муқаддас китобигана бўлиб колмай ҳозиргача, эътиборли тарихий манба ва маданият ёдгорлиги ҳисобланади. Унда дастлабки оддий ижтимоий-фалсафий қарашлар билан диний-мифологик тасаввурлар уйғунлашиб кетган; шу заминда маънавий, жумладан ахлоқий баркамол одам эзгуликни барқарор қила оладиган курашчан, адолатпарвар инсонни шакллантириш гоёси марказий ўринни эгаллаган. "Авесто"да табиий билимлар- агрономия, метеорология, зоотехника, медицина, фалакиёт, астрономия, географияға доир билимлар ҳам мавжуд.

Зардуштнинг диний ислоҳоти бўш жойда юзаға келган эмас. ғарбий Европа ва рус тадқиқотчиларнинг фикрича, милодгача бўлган 3-2 минг йилликларда Марказий Осиёда орий деб аталган қабила яшаган. А.П.Примақнинг айтишича, орийлар кўчманчи чорвадорлар бўлишган. Уларда ёзув бўлмаган, аммо ҳайратомуз оғзаки ижод истеъдодига эға бўлиб, улар яратган ўзига хос ашула, гимн, панд-насихат шаклидаги кўшиқлар авлоддан авлодға ўтиб борган. Умуман Шарқда қадимдан инсон ички оламини мунаввар этиш, ният билан амал муштараклигиға жиддий аҳамият бериш диний ва фалсафий фикрларнинг марказида турган. Англиядаги Оксфорд университетининг профессори Макс Мюллер Помир атрофида яшаган Орий қабилаларининг бир қисми бундан 3,5 минг йил муқаддам Ҳиндистонға, бир қисми Европа ва Эронға кўчиб кетганини таъкидлаган. Улар албатта ўзлари билан бирға шу ердаги осориатикаларни (мифология) ни ҳам олиб кетишган, деб ҳисоблаган. Демак, Европа ва Ҳиндистонға ҳамда Яқин ва Ўрта Шарққа тарқалган кўп худолик асослари аввало Марказий Осиёда вужудға келган Шу билан бирға Зардушт асос солган якка худолик дини ҳам бошқа жойда яшаётган халқлар эътиборини ўзига жалб этган. Зардуштийликнинг муқаддас ёзувлар тўплами "Авесто" минтақада Исқақдар асос солган ҳокимият тугагач, эрамизгача бўлган 250-йилларда аршоҳийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида яна тиклана бошлаган; у янги матнлар билан тўлдирилган. Сосонийлар сулоласи ҳокимияти даврида (милоднинг III-VII асрлари) зардуштийлик давлат дини мақомини олгач, бу иш ниҳоясига етказилган. Яъни «Кичик

Авесто» ҳам ёзам тус олган. "Авесто"нинг учта китоби (боби) қадимги турон тилида ва битгаси пахлавий тилида тиклаиған. Хозирги маълумотларга кўра «Авесто» Ясна, Яшт, Виспарад, Кичик Аеесто қисмлариан иборатдир.¹¹ Унинг биринчи китоби "Вадавдот", яъни девларга қарши қонун, деб аталған. "Ёсин" ва "Виспарад"ни қўшган ҳолда "Вадавдот-Садэ" номи билан юритилған. "Вадавдот"ни покланиш қонун-қоидалари мажмуаси дейиш ҳам мумкин. "Авесто"нинг иккинчи "Ёсин" китоби бўлиб, Зардушт Хат (нома)лари унинг асосий мазмунини ташкил этган. У 72 "ха"- башоратдан иборат бўлиб, биринчи башоратда табиат ва ҳалолликлар ҳукмдори, ҳамма нарсани биладиган ва ҳамма нарсага кодир Охурамазданинг ваҳийлари ҳақлигига имон келтиришга доир дуолар бор. 19- башоратда олам юзага келмасдан илгари мавжуд бўлған худолар шаънига шукроналар баён этилған.

Иймон калимаси, покланиш (ювиниш гагаенаси), ёвузликни лаънатлаётган пайтда танани қандай маромда тутишлик, дев, иблисларни ҳайдашга қаратилған ҳаракатлар, гуноҳдан фориғ бўлиш, кечирим сўрашга доир дуолар мавжуд. гуноҳдан фориғ бўлиш, иймонни сақлаб қолиш учун масалан, мана бундай дуолар ўқиш тавсия этилған; "Эй оламнинг ҳукмдори Охурамазда! Мен барча гуноҳларимга иқрорман, уларни такрорламаслик. учун сенга сўз бераман; мен ҳар қандай ёмон ният (фикр)лардан, ҳар қандай ёмон амаллардан воз кечаман; сўзларим ва амалий ишларим орқали бундан буён ишончингни оқлайман; гуноҳларимни кенг караминг ила кечирған, у дунёю бу дунёйимни мунаввар эттил, эй парвардигорим"!

Ёсинларнинг 7-бобида Зардушт орқали хабар берилған башоратлар ўз ифодасини топған. Зардушт Охурамаздадан ўз ахлоқий қонун-қоидаларини маълум этишни сўраған. У бунга жавобан бутун мавжудликининг икки олий ибтидоси- эзгулик ва ёвузлик ҳақида ваҳий қилған. Бир-бирига қарама-қарши бўлған бу бошланғич кучлар ҳар доим биргаликда мавжуд бўлиб, улар ҳаёт ва ўлим, осмон ва жаҳаннам маъноларини англаган. Жаҳаннам Охурамазда ваҳийсида "ҳаётнинг энг ёмон онлари", осмон эса руҳ энг нжсак ҳолати сифатида гавдалантирилған. Оламдаги ёвузлик ва нотакомиллик нарса, ҳодисалар ва уларнинг мохиятидан келтириб чиқарилған. Уларни бартараф этиш эса истиқболдаги иш бўлиб, иймонли кишилар бу жараёнда энг катта фаоллик кўрсатишга даъват этилғанлар. Улар Охурамазда юборған қонунлар, ўғит-насихатларга амал қилсалар, эзгулик ёвузлик устидан тантана қилиб бораверади деб қисоблаганлар.

Олам қарама-қаршилиқлар кураши асосига қурилған; тирик табиатда ҳаёт ва ўлим, маънавий оламда эзгулик ва ёзувлик, ижтимоий ҳаётда адолатли қонунлар билан қонунсизликлар ўртасидаги курашларда у ўз ифодасини топған. Диний соҳа эса эзгуликни қарор топтириш руҳи билан ёвузлик руҳига, эзгулик руҳи ўртасидаги курашга асосланған. Охурамазда эзгуликни вужудга келтираверади, ёвузлик руҳи бўлған Аҳриман унга қарши тарзда одамларни ёмон ишларга бошлайверади деб ҳисобланған. 30-башоратда эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги абадий курашда оралиқ йўл йўқ, бинобарин, ҳар бир одам

¹¹ Каралсин: Авесто». Тарихий адабий ёдгорлик. Ас=ар Маҳкам таржимаси-Шар=, 2001. -Т.: 369 б.

бу жараённинг ёки бу томонида иштирок этишга мажбур, дейилган. Шунинг учун диндорликда иймон-эътиқод баркамоллик нишонаси сифатида муҳим бўлиб, у одамларга эзгуликни ёвузликдан фарқлаш имконини берган деб фараз қилганлар. Иймон-эътиқодли одам албатта эзгулик тарафида туради деб таъкидланган, ёвуз рухлар - дев, пари, иблис ва бошқалар эса гуноҳлар, адашишлар, ёлғонлар, касалликлар тимсоли сифатида тасвирланиб, Охурамазданинг улардан сақланишга қаратилган даъватлари ёзилган. Ёсиннинг биринчи башоратида худо-"Мен эзгу фикр (ният)ларни, эзгу сўзларни ва эзгу амалларни ёқтираман. Мен маздаёсин қонунларига асосланган тарғиботларни улуғлайман, деб ёзган. Демак, зардуштийлик иймони қуйидаги 3 таянчга асосланган: фикрлар софлиги, сўзнинг собитлиги, амалларнинг инсонийлиги Охурамазда одамларни ўз истакларида холис бўлиб, бир-бирлари билан мураса қилиб яшашни одат қилишлари, ғаразғўйлик, калондимоғ, димоғдорлик, шухратпарастлик, қонунбузарлик каби иллатлардан ўзларини тийиб юришга чақирган.

Охурамазда берган панд-насихатга биноан, "Берган сўзининг устидан чиқиш, унга содик қолиш, савдо-сотикда шартномага қатъий амал қилиш, қарзни вақтида тўлаш, алдамчилик ва хиёнатдан холи бўлиш иймонлилик аломатларидир". Унинг фикрича, иймонли одам ўғрилик ва талончиликдан, бегоналарнинг мол-дунёсига кўз олайтиришдан, ўз-ўзига хиёнат қилишдан, яъни имонига хилоф иш қилишдан ўзини сақлай биладиган комил инсондир. "Таналарингизга нисбатан, деган у, қалбингиз ҳақида кўпроқ қайғуринг", яъни аввал маънавий дунёингиз мусаффо бўлса, моддий гурмушингиз ҳам мукамал бўлиб бораверади.

Башоратлардаги Одам Ато ҳақидаги ривоятлар ўзига хослиги билан ажралиб туради. Буларда ийим номи билан биринчи одам ва унинг фаолияти ҳақидаги гаплар ёзилган. Масалан у, Охурамазда иродасига мувофиқ, одамларни, ҳайвонларни ва қушларни парваришлаган. Ер юзида қизил шуълали оловни кўпайтиради ва шу тарзда 300 йил яшаган. Охурамазда унга олтин найза билан олтин қамчи ҳадя этган. Ер одамлар яшаши учун торлик қилиб колганда, Ийим найзани ерга суқиб, худодан уни кенгайтиришни илтижо қилган ва бунга эришган. Охурамазда Одам Атога музламачилик офати келаётганидан хабар берган, бу офатнинг олдини олиб қолиш кераклигини айтган. Ийим махсус уй куриб, мавжуд ҳамма ҳайвон ва ўсимликларнинг энг яхши зоти ва навидан бир жуфтдан сақлаган; натижада дунёда тирик табиатни офатлардан сақлаб қолинган. Бироқ Ийим ўз ишига ортиқча баҳо бериб, мағрурланиб кетган ва худо тақиклаган неъмат- йирик шохди ҳайвон гўштидан тановул қилиб қўйган. Оқибатда у худонинг каҳрига учраб, абадийликдан махрум бўлиб қолган. Одамзод ҳаётининг бу биринчи босқичидан сўнг, иккинчиси бошланар экан. Бу давр Зардушт фаолияти ва унинг диний ислоҳоти билан боғлиқ бўлиб, у дин ва иймон учун беомон курашлардан иборатдир. 3000 йиллик курашлардан сўнг Зардуштнинг фарзавди бошчилигида дунёда осойишталик ва фаровонлик даври юзага келар экан; ёвузлик кучлари тимсоли бўлган дев - Ахриман енгилар экан. 3-даврда киёмат-қойим бошланар ва ўликлар тирилиб, худо ҳузурига ўз қилмишлари

хақида ҳисоб бергани боришар экан. Ҳамма ишлардан воқиф бўлган ва ҳисоб-китоб қилиб борган худони алдаб бўлмас экан. Зардуштийлик эътиқодича, одам ўлгандан сўнг унинг жони уч кун давомида танада турар экан; тўртинчи кунда ўз маҳрами - фариштаси йўлбошчилигида нариги дунёдаги "Чинвот" деган кўприкдан ўтиши керак. Эзгу ишлар қилган одамлар учун бу кўприк кенгайган ҳолда туради. Улар ундан бемалол ўтиб, умрлари абадий роҳат-фароғатда ўтади; охирада ўликлар тириладиган кунда ўз таналарига кириб ётади. Ёвуз ишлар билан шуғулланганлар учун "Чинвот" қилдай тораяр ва улар жаҳаннам азобларига маҳкум бўлар эканлар.

Ёшлар ва ёсинлар 3 қатламдан иборат: Биринчиси халқ дostonларининг Зардуштгача бўлган кўшиклари (шеърлари); иккинчиси Зардушт Хат (нома) лари ва учинчиси Зардушт ҳалок бўлгандан кейин китоб ҳолига келтирилган ва Кичик Авесто номи билан юритиладиган қисмидир. Демак, "Авесто" нинг илк ва кичик (кейинги) қисмларидан унинг асосий қисми Зардушт Номаларини фарқлаш лозим. Бу Номалар кўп худоликни, ўтга ва табиатнинг стихияли кучларига сизинишни қоралаб, якка худоликка эътиқод қилишни талаб этган. Ҳозиргача бўлган илмий адабиётлардаги фарқлар кўпроқ "Кичик Авесто" га асосланиб билдирилган. Бунда якка худолик ғоялари кўп худолик эътиқодлари билан қоришиб кетгани учун тадқиқотчилар зардуштийлик кўп худолик ёки икки худо дини сифатида талқин этадилар. Бундай қарашлар зардуштийликнинг учинчи йўналиши – кўп худолик билан якка худолик қоришмасидан иборат маздаизм билан аралаштириш оқибатидир.

Зардуштгача бўлган Охура, Митра, Мазда, Онахит ва бошқа худолар ҳақида ҳар хил фикрлар бўлган. Аммо улар одамлардек ҳаёт кечирган бўлсалар, Зардушт талқинида Охурамазда Олий ибтидо бўлиб, унинг на хотини, на болалари бор. У ҳамма мавжудотларни яратувчи ва бошқарувчи сифатида, эзгуликни барқарор қилувчи, одамлар қалбини мунаввар этувчи Олий рух сифатида намоён бўлади.

Эрон шохдари ўз империяларини барқарор қилишда зардуштийликнинг ўрни ва ролига тўғри баҳо берганлар. Бироқ, бу диндаги ўртаҳол деҳқончилик, мўътадил, камтарона ҳаётдан иборат турмуш тарзини илоҳийлаштириб, кулдорлик муносабатларини қоралаш уларга ёқмайди. Шунинг учун Эрон шохлари зардуштийликни Зардушт пайғамбаргача бўлган ва Якин Шарқда ҳам кенг тарқалган кўп худолик ғоялари билан аралаштирадилар. Зардушт ўрнига ўзларини худо ваҳийларини одамларга етказиб турувчи пайғамбар ўрнига қўядилар. "Кичик Авесто"да Охурамазда оламни яратувчи ва тартиб ўрнатувчиликдан кўра кўпроқ қабилавий худоларни бошқарувчи Бош худога айлантириб қўйган. Аҳамонийлар Грецияни босиб олиш учун олиб борган урушлари (бунда Марказий Осиёдаги турк жангчилари катта рол ўйнагани учун Искандар Зулқарнайн улардан қасос олади) ҳамда грекларнинг Эрон ва Туронни ишғол этиши оқибатда Охурамазда қадимги Грецияда бош худо Зевс, Афлотун (Платон) сифатида талқин этила бошлаганига тадқиқотчилар эътиборни қаратадилар. Аҳамонийлар зардуштийликни ўз эътиқодларига бўйсундирган бўлсалар, Искандар бу динни бутунлай йўқ қилиш учун унга

оид ёзувларни ёктириб юборган.

3.3. Зардуштийлик маросимлари.

Зардуштийликнинг асосий ғоялари оламдаги барча тартиблар, эзгулик (яхшилиқ) ва ёмонликдаги, зиё ва зулмат, ҳаёт ва ўлим ўртасидаги курашга боғлиқ; дунёдаги барча эзгуликларни Ахурамазда, ёмонликларни Ахриман ифодалайди; бу курашда одам асосий куч ва ролини ўйнайди, у танлаш эркинлигига эга, у ўз ғайрати билан бу дунёда адолат топишига таъсир эта оладиган кишидир. Демак, ҳозир ҳам кимки, ўзининг иродаси, ақл-заковатига ишониб, уни ишга солса, ўзига бирор касбни танлаб олса, ғайратли бўлса, адолатсизликка дуч келса, унга қарши курашса асло кам бўлмайди, адолатнинг тантанасига эришади.

Зардуштийликнинг ҳозирги давр кишилари, жумладан талабалар учун аҳамияти шундаки, унда одамлар доим покиза юришга, баданни тоза тутишга, ёмон кирдикорлар қилмасликка; ҳар қандай ёвуз ният ва ҳақоратли, асаббузар сўзларни айтмасликка, оила тузиш ва уни сақлашга, ота-она ва фарзандларга ғамхўр бўлишга, шахсий ҳаётда мўътадил бўлишга, яъни ҳар бир хатти-ҳаракатларни бузмасликка даъват этувчи қоида, насиҳат, ўғитлар баён этилган.

"Авесто" нинг муқаддас китобларида қадимги дунё фалсафасининг 4 асослари (субстанцияси) - тупроқ, сув, ҳаво, олов муқаддаслаштирилган. Тупроқ, сув, ҳавони булғаш, ифлослантириш энг оғир гуноҳлар қаторига қўшилган. Ҳатто марҳумларнинг мурдалари ерни, сувни, ҳавони захарлаб қўймасликлари учун уларнинг жасадларини махсус сопол идишларда кўмиш расм бўлган. Охурамазда "ерга яхши, мустаҳкам уруғлар сепишдан ортиқ савоб иш йўқ", деган. Худонинг бу айтганига амал қилиш, 10 минг марта ибодат этиш ёки юзлаб жониворни қурбонликка сўйишдан афзал қисобланган. Экин экиш ердаги ёвузликка барҳам бериш, ҳисобланган. "Одам гўзаллиги деҳқондан, деҳқончиликдан, - дейилган башоратларда, - кимки ерга уруғ қадабди, у одамийликка иймон келтиради, шу йулгина ягона ҳақиқат бўлиб, қолгани саробдир. Зардуштийликнинг вазмин, мусиқа билан уйғунлашиб кетган доно ўғитлари она заминга, деҳқончилик, чорвачилик, хунармандчиликка ва Ватанга, халққа улуғ муҳаббат руҳи билан уйғунлашиб кетган. Бу ҳол унда диний мазмунга қараганда дунёвий элементлар кўп бўлганидан далолат беради.

Зардуштийликнинг барча маросимлари, жумладан, Наврўз, Меҳржон байрамлари тантаналарида бу руҳ айниқса улкан қудрат билан намоён бўлган. Бойчечакнинг чиқиши, лолақизғалдоқнинг очилиши, бодомнинг гуллаши, умуман баҳор билан бирга табиатнинг гўзаллашиб бориши эзгулик руҳининг тантанаси бўлиб, уларнинг ҳар бири катта шодиёналикка сабаб бўлган. Одамлар табиатнинг бу гўзалликларини муқаддас билиб, уларни халқ байрамлари ва сайилларига айлантириб юборганлар.

"Авесто" нинг Гат клсмида одамлар ҳалол меҳнат қилишга ўз кўли хунари билан моддий неъматни яратишга, боқиманда, текинхўр бўлмасликка, буларга йўл қўймай виждонан яшашга даъват этилган. Бу даъватларнинг ҳозир барча кишилар, айниқса талабалар учун ҳам фойдаси катта.

Зардуштийликда диний дастурлар ҳақидага ғоялар билан бирга реал, дунёвий, ҳозир ҳам фойдали насихат, тавсия, чеклаш, таъкидлаш, рағбатлантиришга доир уғит ва даъватлар кўп бўлган. Улардан ҳозирги мустақиллигимиз даврида ҳам фойдаланиш мумкин.

Назорат саволлар:

1. Зардуштийликнинг пайдо бўлиши ҳақида нималар биласиз?
2. Авесто ҳақида нималар биласиз?
3. Диний маросимлар ҳақида гапириб беринг?
4. Фейербах диншуносликнинг қайси мактабига асос солди?

Адабиётлар рўйхати:

1. Токарев С.А. Религия в истории народов мира. 4-е изд., испр. и доп. М., 1986.
2. Тайлор Э. Первобытная культура. М., 1989.
3. Религиозные традиции мира. Буддизм, иудаизм, христианство, ислам. Справочник школьника. Бишкек, 1997.
4. Радугин А.А. Введение в религиоведение: теория, история и современные религии. М., 1996; 2-е издание, исправленное и дополненное. М., 1999.
5. Основы религиоведения. Под редакцией И.Н.Яблокова. М., 1994. Издание второе, переработанное и дополненное. М., 1998.
6. Лекции по истории религии. Учебное пособие. Санкт-Петербург, 1997.
7. Лекции по религиоведению. Под редакцией профессора И.Н.Яблокова. М., 1998.
8. Яблоков И.Н. Религия: сущность и явления. М., 1982.
9. Ибн Ҳазм Андалусий «Фасл фил-милал вал-аҳва ван-ниҳал», Қоҳира, Ибн Ҳазм Андалусий «Фасл фил-милал вал-аҳва ван-ниҳал», Қоҳира.
10. Мўминов А.Қ. Диншунослик асосларини ўқитиш ва ўрганишнинг ягона концепцияси. Т., Тошкент давлат шарқшунослик институти, 1999.
11. Радон Б. Бағрикенглик: тинчлик сари олға қадам. Т., 2002.
12. Рудолф У. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. Т., Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2001.
13. Беруний, Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар // Беруний А.Р. Танланган асарлар. I том. Т., 1968.
14. Беруний, Абу Райҳон. Қонуни Масъудий // Беруний А.Р. Танланган асарлар. V том. Т., 1973.
15. Беруний, Абу Райҳон. Ҳиндистон // Беруний А.Р. Танланган асарлар. II том. Т., 1968.

4-МАВЗУ:ҲИНДИСТОН ДИНЛАРИ МАНБАЛАРИ

РЕЖА:

4.1.Хинд диний анъаналри.

4.2.Хинд динларининг фалсафий-ахлоқий асослари.

Таянч иборалар: веда, жайнизм, сикизм, диншунослик, қиёсий таҳлил, санскрит.

4.1.Хинд диний анъаналари.

Ҳинд диний анъанаси дунёдаги бошқа диний таълимот ва амалиётлардан ўзида турфа хилликни касб этганлиги жиҳатидан тубдан фарқ қилади. Уларнинг баъзилари монистик (дунёнинг негизи битта деб билиш) характерга эга, бошқаси ҳақиқат илоҳий Рух (Purusha) ҳамда дастлабки моддий табиат (Prakriti)нинг ўзаро боғлиқлигида деб фараз қилиши, яна бири номсиз ва шаклсиз Худога турли ном ва шаклларни нисбат бериб, ягона Худога эътиқод қилаётганини даъво этиши юқоридаги фикр тасдиғидир. Ҳиндупараст Кришна, Шива ёки ҳам одам, ҳам худо қиёфасидаги яхлитлик тарзида тасаввур қилинувчи Брахма тимсолида Тангрига ибодат қилиши мумкин, бунда, у ягона Мутлақ Ҳақиқат рамзи сифатида улар (уч худо)нинг барчасига ҳурмат бажо келтирган ҳисобланади. Ҳиндупараст мазкур учликка эътиқод қилсин ёхуд Маъбуда Дурга¹²га топинсин, бу ҳолат маҳаллий таълимотга биноан, муқаддас диний манбалардаги кўрсатмаларга зид ҳатти-ҳаракат деб баҳоланмайди. Бу тўғрисида Ригведада қуйидагича маълумот келади: “Ҳақиқат битта, аммо изловчи уни турли номлар билан атайди”.

Умуман олганда, ҳиндуийлик эътиқодий қарашлари ва амалиётини қуйидаги тартибда кўрсатиш мумкин: 1) Брахма ёки Мутлақ Ҳақиқат (Ultimate Reality – ҳиндуийликда худо ҳақидаги таълимот) турли қиёфада намоён бўлади; 2) бу ҳақиқатни тана аъзолари (margas) орқали англаб етиш: билим (jnana yoga), ибодат (bhakti yoga) ва амал (karma yoga); 3) Ҳақиқатга қовишиб кетишга эришиш; 4) дунё ҳаёти вақтинча ва Ҳақиқатга етишдан

¹² Дурга – бука қиёфасидаги иблисга қарши йўлбарс ёки шеърга миниб олган ҳолда курашаётган саккиз ёки ўн қўлли кўринишда тасвирланадиган маъбуда.

узоклаштирувчи эканлигини тушуниш; 5) инсон ўйлаётган ҳар бир фикри, айтаётган сўзи ва бажараётган ҳатти-ҳаракатига мос равишда жазо ёки мукофат олиши ҳақидаги ғояни ифодаловчи “карма” таълимотига қатъий амал қилиш; 6) “қайта туғилиш” (reincarnation) таълимоти – кимгадир аҳвол ўнгланиш учун имконият, кимгадир узлуксиз изтироблар домига тушиш манбаи эканлигини тушуниш ёхуд инсонларнинг тақдири ва ижтимоий шароити ўртасида мавжуд нотенглик Худо томонидан бирини эъозлаш, бошқасини таҳқирлаш натижаси эмас, балки кармага мос ҳатти-ҳаракат қилмаслик маҳсулигини билиш; 7) Ведаларни улуғлаш; 8) оилавий ва ижтимоий ҳаёт анъаналарига ҳурмат кўрсатиш; 9) ҳаётнинг тўрт мақсадини – ҳалоллик (dharma), бойлик (artha), нафс (kama), ахлоқий етуклик (moksha/nirvana) – тўғри тушуниш; 10) ижтимоий табақалар (каста тизими) ва уларнинг ҳар бирига мувофиқ белгиланган вазифалар ҳаётий воқеъликка асосланганлигини идрок қилиш.

Айрим истисноли ҳолатларни инобатга олмаганда, мазкур эътиқодий қарашлари ҳиндуийликнинг барча секталарига тааллуқли қоидалар сифатида қабул қилинган. Қолаверса, айримлари жайнизм, сикхизм ва буддизм каби динлар томонидан инкор қилинган бу диний эътиқодлар ҳиндуийлик жамоасининг бошқалардан ажратиб турувчи хусусияти бўлиб қолди.

Ҳиндуийлик анъанаси шаклланиши илдизлари бир неча манбага бориб тақалади. Булардан энг қадимий ва нуфузлиси ведалар бўлиб, у Ригведа, Самаведа, Яжурведа ва Атхарваведа каби қисмлардан иборат. Кейинчалик диндорларга ведалар мазмунини тушунтириш учун ёзилган самхита¹³, брахмана¹⁴, араньяка¹⁵ ва упанишад¹⁶лар сингари шарҳий асарлар ҳам ведалар таркибига қўшилди.

Ведалар уч минг йилдан ортиқроқ давр мобайнида авлод-авлодга оғзаки равишда ўтиб келди. Вақт ўтгач, босқичма-босқич ёзила бошланди, шу тарзда, ведаларга хос мадҳиялар, ритуаллар ўтказиш тартиби, куйлар ва дуолар ёзувга қайд қилинди. Анъанавий веда куйларининг қатъий услуби мавжудлиги уларни турли ўзгаришларга учрашидан сақлаб қолди. Веда мадҳияларининг аксарияти асосан борлиқ ҳақиқатининг жонли тимсоли сифатида эътироф этилувчи табиат кучларини улуғлашга бағишланган. Қайд этиб ўтмоқ лозимки, ведаларда келган ритуалларнинг барчаси замонавий ҳиндуипараст томонидан бажарилмас-да, умуман, улар қадимги ҳинд кишисининг дунёқараши ва тафаккур тарзи ҳақида тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради.

Қолаверса, ҳиндуийлик тарафдорларининг ҳаёт шаклини ташкил этишда ведаларга ёзилган изоҳий асарлар алоҳида ўрин тутди. Улардан бири Брахмана ведаларнинг насрий ифодаси бўлиб, у сатхапата ва тандямахага бўлинади. Упанишадлар 108 тани ташкил қилиб, улар турли вақтлар

¹³ собрание священных текстов, составляющее основу каждого из четырёх сводов ведийского канона

¹⁴ (in Hinduism) any of the lengthy commentaries on the Vedas, composed in Sanskrit c. 900–700 BC and containing expository material relating to Vedic sacrificial ritual

¹⁵ each of a set of Hindu sacred treatises based on the Brahmanas, composed in Sanskrit c. 700 BC. Intended only for initiates, the Aranyakas contain mystical and philosophical material and explications of esoteric rites

¹⁶ each of a series of Hindu sacred treatises written in Sanskrit c. 800–200 BC, expounding the Vedas in predominantly mystical and monistic terms

оралиғида (м.а. 900-м.а. 200 й.) ёзилган ҳамда ведаларнинг муайян сараланган қисмига тегишлидир. Этимологик нуқтаи назардан “упанишад” сўзи “яқин ўтириш” маъносини билдириб, бундай номланишини сабаби упанишадлар қадимги ҳақимлар томонидан халқасимон шаклда ўтирган ўз ўқувчиларига айтилган фалсафий ва ахлоқий таълимотларни қамраб олгани билан боғлиқ.

4.2. Ҳинд динларининг фалсафий-ахлоқий асослари

Сикхизм. Бу дин худони улуғлаш ва эзгу ҳаётнинг асоси сифатида худбинликдан четлашишни тарғиб қилиши орқали яккахудолик унсурларини ўзида намоён этади. Сикхизмга милодий 15 асрда Панжобда Гуру Нанак томонидан асос солинган бўлиб, бугунги кунда бу дин тахминан 20 млн. нафар тарафдорга эга. Ўз даврида, Нанак ва унинг тўрт шогирди инсонларнинг мартабаси дин ёки ижтимоий табақага кўра фарқланишини қоралаб, бирор эътиқод ёхуд каста қатлами эмас, балки қалб мусаффолиги ҳамда ибодат сокинлигига эришишгина Худо ҳузурида банд мавқеъини кўрсатувчи омил эканлигини тарғиб қилганлар.

Бошқа динлар каби сикхизм ҳам ўзининг муқаддас китобига эга. Унинг муқаддас китоби – Адигрантх (“Бошланғич китоб”) бўлиб, бешинчи гуру Аржун (1581-1606) томонидан тузилган. У шунингдек, Гурурантх (“Гуру китоби”) ёки Грантхсаҳиб (“Соҳибнинг китоби”) номлари билан ҳам аталади. Унга аввал дастлабки беш гурунинг, кейинчалик эса бошқа гуруларнинг мадҳиялари кирган. Жумладан, Кабирнинг, Намдевнинг, Фаридиддин Ганжишакарнинг (XV аср) мадҳиялари билан бир қаторда бир неча Бхакти ва суфийлик ҳаракати намояндаларининг ҳам мадҳиялари кирган. У панжоб тилида ёзилган бўлиб, ҳозирги кунда Амритсардаги сикхларнинг бош ибодатхонаси ҳисобланмиш “Олтин Ҳарам”да сақланади.

Жайнизм. Ҳиндистондаги ўзига хос диний манбалар, тарих, чуқур фалсафий анъана ҳамда тахминан 10 млн. нафар тарафдорга эга диний фалсафий таълимотлардан бири. Навқирон Ҳинд маданиятининг бир қисми ҳисобланишига қарамай, жайнизм таълимотида веда дини анъаналари, уларга оид шарҳий китоблар (Упанишадлар) ва уларда учрайдиган турли маъбудлар нуфузи инкор қилинади. Аксинча, жайнизм барча тирик жонзотларга озор етказмаслик тўғрисидаги (аҳимса) эътиқоди билан буюк Ҳинд цивилизациясига катта таъсир кўрсатганлиги эътироф этилади. Жайнизмда инсон қайта туғилиш силсиласидан озод бўлиши учун карма таълимотига қатъий риоя этиши талаб қилинади. Киши карма исканжасидан нафсини халос этиш максатида таркидунёчилик йўлини тутиши ва келажакда, амал, сўз, фикр борасида ҳаддан ошишликка йўл қўймаслиги керак бўлади. Жайнийлик эътиқодига биноан, инсон тарафидан содир этиладиган гуноҳлар ҳавои нафсга эрк бериш натижасидир. Шундан келиб чиқиб, жайнизмда “худо” ёки “яримодам худо” тушунчаси мавжуд бўлмай, балки ҳар бир шахс ўз нафсини карма асирлигидан халос қилиш орқали олийлик, мукамаллик мартабасига эришиши мумкин, деб ишонилади.

Жайнизм дини вакилларининг эътиқод қилишича, бу таълимотга 24

тиртхакар (пайғамбар ёки авлиё) асос солган. Уларнинг барчаси *кишатрийлар* хонадонидан бўлган. Ушбу *тиртхакарлар*нинг 22 таси ҳақида маълумот деярли йўқ, 23-си – Вардхамана Махавира (м.а. 599-527)дан 250 аввал яшаган Паршванадха – Банорас подшоҳи Ашвасаннинг ўғли бўлган. Бироқ роҳиблик йўлини ихтиёр этиб, отасининг саройини тарк этган. У ўзидан кейин жуда ҳам чиройли низомга солинган диний кўрсатмалар қолдирган. Вардхамананинг ота-онаси, оила аъзолари Паршванадханинг динида бўлганлар. Вардхаманада ёшлигидан жайнизм таълимотига кучли қизиқиш пайдо бўлган. Шундай қилиб, Вардхамананинг ўзи жайнизмнинг навбатдаги ва сўнгги *тиртхакари* бўлиб етишган.

Жайнизмнинг асосий қоида-тамойилларини ўз ичига олган 45 та асар мавжуд бўлиб, улар Махавира томонидан битилган. Бироқ, мил. ав. III аср атрофида оғзаки матнларни китоб ҳолатига келтириш мақсадида қилинган ҳаракатлар оқибатида жайнизм икки оқим – *шветамбарлар* ёки *светамбарлар* («оқ кийим кийганлар») ва *дигамбарлар* («мовий кийим кийганлар»)га бўлиниб кетган. *Дигамбарлар* жайнизмнинг асл ҳолатини сақлаб қолишга кўпроқ аҳамият берганлар. Улар Ришабханинг қадимий қонунини йўқолган деб ҳисоблаб, *шветамбарлар*даги матнларни ҳақиқий эмас деб эълон қилдилар. Жайнизмнинг икки оқимга бўлиниши ҳар икки оқимнинг ўзига хос урф-одатлари, кийиниши ва бошқа ҳаётий қирраларнинг шаклланишига сабаб бўлди. Ваҳоланки, улар асосий диний қоидаларда ўзаро фарқланмайдилар.

Жайн муқаддас диний матнлари Махавира ваъзлари билан бошланиб, улар Махавиранинг шогирдлари тарафидан қадимги пракрит тилида ёзиб олинган. Кейинчалик унинг асл нусхаси йўқолиб, муқаддас матнларни сақланиб қолган қисмларидан фойдаланиб, асосий диний манбани пракрит ва санскрит тилларида қайта тиклашга мажбур бўлинган.

Шветамбар жайнистлари қўлидаги диний манба 12 та асосий бўлим (анга) ва 34 та қўшимча матнлар (ангабахя)дан иборат. Биринчи бўлим Асарангасутра бўлиб, у руҳоний эркак ва аёл учун белгиланган қоидалар ҳамда Махавира ҳаёт йўлини ифодаловчи биографияни қамраб олади. Иккинчи бўлим Сутракритангада эса жайнизм эътиқоди ҳиндуийлик ва буддавийлик таълимотлари билан солиштирилиб тушунтириб берилган. Юқорида зикр қилинган 34 та қўшимча матнлар орасида энг машҳури саналган Уттарадхяна Сутрада эса Махавиранинг энг сўнгги ваъзи деб ишониловчи эътиқодлар ва диалоглар баён қилинади.

Назорат саволлар:

1. Хинд динлари ҳақида нималар биласиз?
2. Жайнизм таълимотининг моҳияти нималардан иборат?
3. Мусулмон диншунослари қиёсдан қандай фойдаланганлар?
4. Абул Ҳасан Омирий қайси динларни қиёсий ўрганган?
5. Макс Мюллернинг қандай асарларини биласиз?
6. “Ким бир тилни билса, у ҳеч бир динни билмабди” ибораси кимга тегишли?

Адабиётлар:

1. Токарев С.А. Религия в истории народов мира. 4-е изд., испр. и доп. М., 1986.
2. Тайлор Э. Первобытная культура. М., 1989.
3. Религиозные традиции мира. Буддизм, иудаизм, христианство, ислам. Справочник школьника. Бишкек, 1997.
4. Радугин А.А. Введение в религиоведение: теория, история и современные религии. М., 1996; 2-е издание, исправленное и дополненное. М., 1999.
5. Основы религиоведения. Под редакцией И.Н.Яблокова. М., 1994. Издание второе, переработанное и дополненное. М., 1998.
6. Лекции по истории религии. Учебное пособие. Санкт-Петербург, 1997.
7. Лекции по религиоведению. Под редакцией профессора И.Н.Яблокова. М., 1998.

5-МАВЗУ: ХИТОЙ ДИНЛАРИ МАНБАЛАРИ

РЕЖА:

5.1. Буддизм диний таълимоти ҳақида.

5.2. Конфуцийлик ва даосизм.

Таянч иборалар: буддизм, конфуцийлик, нирвана, даосизм.

5.1. Буддизм диний таълимоти ҳақида.

Буддизм. Буддизм қадимий ҳинд диний-фалсафий таълимотлари асосида вужудга келган, ўзига хос назариёт ва амалиётдан иборат бўлган диний тизимдир. Будда янги диний қонун-қоидалар, расм-русумлар ишлаб чиқмаган, балки ҳар бир инсон туғилиш ва ўлим машаққатларидан қутилиши учун амал қилиши лозим бўлган бир неча кўрсатмаларни ишлаб чиқди, холос. Унинг таълимоти инсоннинг хаёлида, ишларида ва ўзини тутишида самимий олийжаноблик ғоясини илгари суради. У ведалардаги гуноҳсизлик таълимотини инкор қилди, ҳайвонларни ваҳшиёна қурбон қилишни қоралади, *варна* (каста) тизимини ва ундаги руҳонийларнинг бошқалардан устунлигини инкор қилди.

Будда «Яратувчи олий куч»нинг борлигига шубҳа ва ишончсизлик билдирган. Унинг фикрича, энг муҳими инсоннинг шахсий камолоти ва эзгу турмуш тарзидир.

Будда таълимотининг асосида «ҳаёт – бу азоб, укубат» ва «нажот йўли мавжуд» деган ғоялар ётади. Буддизм таълимотига кўра, инсон ўзига хос мавжудот бўлиб, туғилади, ўзини ўзи ҳалок қилади ёки қутқаради. Бу ғоялар Будданинг илк даъватида таъбирланган тўрт ҳақиқатда ўз ифодасини топган.

Буддизм таълимоти бир қатор китоблар шаклига келтирилган тўпламларда баён қилинган. Улардан энг асосийси Трипитака (ёки Типитака – «уч сават» маъносини англатади). У уч қисмдан иборат бўлганлиги учун шундай ном билан аталган. Бу манбанинг қўлёзма нусхаси Шри Ланкада сақланиб қолган. У милонинг бошларида китоб шаклига келтирилган. Улар – Будда тарғиботининг ҳақиқий баёни ҳисобланган *сутра* матнлари – Сутра-питака, роҳиблик ахлоқи, хонақоҳлар низомларига бағишланган *виная* матнлари – Виная-питака, буддизмнинг фалсафий ва психологик

муаммоларини баён қилиб беришга бағишланган *абхидхарма* матнлари – Абхидхарма-питакадан иборат.

5.2. Конфуцийлик ва даосизм.

Конфуцийлик. Конфуцийликда илк вужудга келган даврдан бошлаб ахлоқ масаласи биринчи ўринга қўйилиб, диний эътиқод иккинчи даражали саналган. Диний масалалар, яъни ақидаларга конфуцийлик анча совуққон муносабатда бўлиб, баъзи ўринларда уларни инкор ҳам қилади. Конфуций ўз вақтида Қадимги Хитойда кенг тарқалган руҳларга эътиқод қилиш масаласига шубҳа билдириб, ғайритабiiий нарсалар ва руҳлар тўғрисида гапиришни ёқтирмаган. Ундан Даосист ибодати, сеҳру-жодуни амалга ошириш талаб қилинганида: “Менинг ҳаётим, ибодатимдир”, дея жавоб берган.

Бу дин вакиллари жаннат-дўзах, қайта тирилиш каби ғайбiiий нарсаларга ишонмайдилар. Уларнинг бор эътиборлари дунё ҳаётини ислоҳ қилишга қаратилган. Руҳларнинг жасаддан чиққанидан кейин қаерга боришига қизиқиб ҳам кўрмайдилар. Ҳатто шогирдларидан бири Конфуцийдан: “Ўлим нима?” – деб сўраганларида, у: “Биз тириклик нима эканлигини билмаймиз-у, ўлим нима эканлигини қаердан ҳам билар эдик”, деб жавоб берган.

Лекин улар қазо ва қадарга ишонадилар, агар гуноҳ ва қабих ишлар кўпайиб кетса, Осмоннинг бунга нисбатан жазоси зилзила ва вулқон каби шаклларда бўлишига эътиқод қиладилар. Шунингдек, уларнинг эътиқодида жазо ва мукофот, шу дунёнинг ўзидаёқ бўлади. Бундан ташқари, мазкур дин таълимотларидан бири давлат раҳбарлари Осмон ўғиллари бўлиб, улар адолатдан узоқлашиб зулмга йўл қўйсалар, Осмон уларни бу ишдан четлатадиган ва бошқарувни қўлга оладиган одил кимсаларни бошлиқ қилиб қўяди.

Бу диннинг муқаддас матнларини ташкил қилувчи икки диний-адабий коллекция (мажмуа) мавжуд. Булар “Беш Классика” (Wou King) ва “Тўрт Китоб” (Se Chou) деб номланувчи китоблардир. Бироқ, бу китобларнинг барчаси диний бўлмаи, уларнинг ичида динга алоқаси бўлмаган китоблар ҳам учрайди. Беш китоб (Wou King) қуйидаги китоблардан иборат:

1. “И-Цзин” (Yi King - ўзгаришлар китоби, сеҳргарлик ва дуолар мажмуаси);
2. “Шу-Цзин” (Shu King - қадимги тарих, афсонавий императорлар тарихи, тарихий маълумотлар, васиқалар);
3. “Ши-Цзин” (Shi King - кўшиқ (шеър) айтиш китоби, қадимги поэзия тўплами, 305 та турли кўшиқлар);
4. “Ли-Цзин” (Li King - маросимлар ва урф-одатлар билан боғлиқ хотиралар китоби, (Одоб-ахлоқ);
5. “Чун-Цю” (Kun Kiu - баҳор ва куз билан алоқали кунма-кун ёзилган, м. а. 722-481 йиллар орасидаги тарихий воқеа-ҳодисаларни ўз ичига олувчи китоб).

Тўрт китоб (Se Chou) – XI-асрда Сунг (Sung) сулоласи даврида бир жойга жамланган. Бу мажмуа, бошқарувчи ҳукмрон табақанинг етиштирилиши учун муҳим омил бўлиб хизмат қилган. Бошқарувчилар, ишга олинишларидан олдин мазкур китоблардан имтиҳон топширишлари шарт қилинган. Улар куйидагилардир:

1. “Лун-юй” (Lun Yu) – Конфуцийнинг маърузалари,
2. “Мэн-цзи” (Mong-tse)– Конфуцийнинг энг қадимги шогирдларидан бири Мэн-Цзининг сўзлари,
3. “Чжун-юн” (Tchong Yung) – Ўрта йўл таълимоти китоби,
4. “Да-Сюе” (Ta-Hio) - Буюк таълимот, инсоннинг ўзи-ўзини такомиллаштириши китоби

Даосизм. Даосизм динининг асосий моҳиятларидан бири бу дао ва у билан алоқадор табиат фалсафаси ҳамда космогония масалаларидир. Иккинчи асосий нуқта мавжудлик, ҳаёт ва ўлимнинг нисбийлиги ва шунга боғлиқ ҳолда узоқ яшаш, абадий ҳаётга эришиш тушунчасидир.

Даосизм таълимотининг асосий манбаи “Даодецзин” рисоласи бўлиб, у Конфуцийдан биров илгарироқ яшаган Лао-Цзига нисбат берилади. Мазкур рисола криптик (ҳарфлар бир-бирига ёпишиб, ўқишга мураккаблик туғдирадиган) услубда ёзилган. Даосизмнинг иккинчи манбаи “Чуанг-дзу” (Chuang-tzu)да эса милоддан аввалги 4-асрга тааллуқли ҳодисаларнинг фалсафий мушоҳадаси ўрин олиб, бунда, илк даолик қарашлари мазмуни турли масал ва мажозий ҳикоялар орқали баён қилинган. Шунингдек, даосизмда кўплаб мистик ривоят ва ритуаллар ифодаланган йирик диний матнлар тўплами мавжуд бўлиб, унда диндорлар томонидан гуноҳлардан фориғ бўлиш учун воситачи ёки ёрдамчи сифатида кўриладиган маъбудлар пантеонига алоҳида урғу берилган.

Синтоизм. Япон халқига хос диний фалсафий таълимот бўлиб, VI-VII асрларда шаклланган. “Синто” сўзи ўзбек тилида “худо йўли” маъносини билдириб, бу дин таълимоти асосини император ҳокимиятининг илоҳийлиги тўғрисидаги ақида ташкил этади.

Синтоийликда ҳам конфуцийликда бўлгани сингари аждодларнинг оила-уруғига эҳтиром кўрсатиш катта роль ўйнайди. Диний таълимотга кўра, вафот этган хар бир одам **ками** (барча руҳ ва худоларнинг умумий номи)га айланади. Ҳар бир япон кишисининг уйида оилавий меҳроб бўлиб, ундаги кичкина шкафчага вафот этган оила аъзоларининг номлари ёзилган тахтача қўйиб борилади.

Синтоийликда махсус мукаддас китоб мавжуд бўлмаса-да, аммо Япония давлати асосчиси деб қаралувчи “ками” ҳамда императорлар сулоласи ҳақида ҳикоя қилувчи турли афсона ва ривоятларни ўз ичига олган мифологик солномалар - “Кодзики” ва “Ниҳон шоки” диндорлар орасида юксак ҳурматга эга. Шунингдек, гуноҳлардан покланиш ва ибодат рақсларини бажариш тартибларига бағишланган “Энгишики” ва “Кагура-ута”, дидактик мазмундаги “Олам ҳақидаги юз достон” ҳамда фарзандни ахлоқий тарбиялаш бўйича фойдаланиладиган “Исе тошбитиклари” синтоийликнинг мукаддас диний матнлари тўпламини ташкил қилади.

Назорат саволлар:

1. Буддизм таълимотнинг дииний асослари нималардан иборат?
2. Конфуцийлик ва даосизм ҳақида нималарни биласиз?

Адабиётлар рўйхати:

1. Абдусамедов А.И. Диншунослик асослари. Т., Ўзбекистон, 1995.
2. Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. Под редакцией С.М.Прозорова. Выпуски 1-3. М., 1998-2001.
3. Мўминов А.Қ. Диншунослик асосларини ўқитиш ва ўрганишнинг ягона концепцияси. Т., Тошкент давлат шарқшунослик институти, 1999.
4. Исҳоқов М.М. Халқ даҳосининг қадимги илдизлари ва илк куртаклари (Зардуштийлик, Зардушт ва Авесто ҳақида) // «Тил ва адабиёт таълими» журнали, № 2 (1992), Б. 3-12.
5. Ҳасанов А.А. «Қадимги Арабистон ва илк ислом, жоҳилия асри». «Тошкент ислом университети», 2001 йил.
6. «Ислом зиёси ўзбегим сиймосида». «Тошкент ислом университети» нашриёти, 2001й.
7. Йўлдошхўжаев Ҳ., Раҳимжонов Д., Комилов М. Диншунослик: маърузалар матни. Т.: 2000й.
8. Қуръони карим.-Т.: «Чўлпон», 1993 йил.
9. Ҳусниддинов З.М. «Ислом: йўналишлар, оқимлар, мазҳаблар». «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти. Тошкент, 2000 йил.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот

Диний манбаларни ўрганиш муаммолари

1. Диний манбаларни аниқлаш, танлаш ва таҳлил этиш
2. Ёзма манбаларни тавсиф усули ва уларни талабаларга тушунтириш.
3. “Муқаддас манба” тушунчаси ва унга динлардаги муносабатлар.

2-амалий машғулот

Яҳудийлик ва христианлик диний манбалари.

1. Яҳудийлик ва христианлик диний манбалари.
2. Таврот таркибига кирган китоблар
3. Янги Аҳд

3-амалий машғулот

Зардуштийлик манбалари

1. Зардуштийликнинг пайдо бўлиши.
2. Авестонинг муқаддас ёзуви.
3. Зардуштийлик маросимлари.

4-амалий машғулот

Ҳиндистон динлари манбалари

1. Ҳиндистон динлари манбалари
2. Ҳинд диний анъаналри.
3. Ҳинд динларининг фалсафий-ахлоқий асослари.

5-амалий машғулот

Хитой динлари манбалари

1. Буддизм диний таълимоти ҳақида.
2. Конфуцийлик ва даосизм.

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

Марказий Осиёнинг қадимги аҳолиси ва уларнинг диний тасаввурлари ҳақида нималар биласиз?

Яҳудийликнинг вужудга келиши, эволюцияси ва таълимотида диний-фалсафий қарашлари ҳақида гапиринг.

Ҳиндистондаги каста тузумини фалсафий талқини ва уни сақлаб қолиш учун бўлган ҳаракатлар ҳақида гапиринг.

Конфуцийликнинг диний-фалсафий таълимот сифатида шаклланиши ҳақида нималар биласиз?

Библияни сўзма сўз талқин қилувчи фундаменталистик ҳаракатларнинг мазмун-моҳияти нималардан иборат?

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модулнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб, тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий ҳужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модуль мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар воситасида маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- махсус адабиётлар бўйича модуль бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- амалий машғулотларда берилган топшириқларни бажариш.

Мустақил таълим мавзулари

1. Марказий Осиёнинг қадимги аҳолиси ва уларнинг диний тасаввурлари.
2. Қурбонлик келтириш урф одатларининг диний-фалсафий мазмуни.
3. Хаома ичимлигини танавул қилишнинг диний-ғоявий мазмуни.
4. Ўлим ва охирзамондан кейинги ҳаётнинг диний-фалсафий изоҳи.
5. Урван ва фраваша руҳлари ҳақидаги диний тасаввурлар.
6. «Барча руҳлар» байрами ҳақидаги диний тасаввурлар.
7. Шомонизм «Шомон» сўзининг луғавий маъноси, фалсафий ғояси.
8. Миллий динлар фалсафаси.
9. Яхудийликнинг вужудга келиши, эволюцияси ва таълимотида диний-фалсафий қарашлар.
10. Яхудийликда мессия-халоскорнинг келишининг ғоявий асослари.
11. Ҳиндистондаги каста тузумини фалсафий талқини ва уни сақлаб қолиш учун бўлган ҳаракат.
12. Брахманлик билан буддизм ўртасидаги ғоявий кураш.
13. Брахманликда тан олинган асосий уч худо: 1) Барҳма; 2) Вишну; 3) Шива, уларнинг диний-фалсафий ғоялари.
14. Ҳиндуийлик таълимоти ва фалсафий қарашлари.
15. Ҳиндуийликдаги жаннат ва дўзах ҳақидаги диний-фалсафий тасаввурлар.
16. Конфуцийликнинг диний-фалсафий таълимот сифатида шаклланиши.
17. Ислом масаласида тақдир масаласи.
18. Мутакаллимлар ва муътализийларнинг баҳс мавзулари мазмуни.
19. Тасаввуф фалсафасида инсон эркинлиги масаласи.
20. Ақидапараст, радикал ислом тарафдорларининг ғайри илмий қарашлари.

VII. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи
Абхидхарма-Питака	– буддавийликнинг муқаддас китоби Трипитаканинг фалсафа ва психологияга оид қисми.
Авесто	(қад. эрон-пахлавий. «ўрнатилган, қатъий қилиб белгиланган қонун-қоидалар») зардуштийликнинг муқаддас китоби.
Ақида	араб тилида бирон нарсани бир-бирига боғлаш маъносини англатади. Истилоҳда эса ақоид илмининг машҳур номларидан бири.
Ақлий далил	мутакаллимларнинг ўз раъйлари. Фикрий қарашлари асосида бирон ақидавий масалага берган жавоблари. Ақлий далил асосан мантиқ билан боғлиқ ҳисобланган
Анимизм	лотин тилида “анима”- рух, жон маъносини англатади. Анимизим руҳлар мавжудлигига ишонч, табиат кучларини илоҳийлаштириш, ҳайвонот, ўсимлик ва жонсиз жисмларда рух, онг табиат, қудрат борлиги таълимоти илгари сурилган.
Апокалипсис (Ваҳийнома)	“Янги Аҳд”нинг таркибий қисми бўлиб, уни “Инжил” муаллифларидан бири Иоанн илоҳий илҳом орқали ёзган, деб эътиқод қилинади. Ушбу китобда қиёмат ва Исонинг иккинчи қайтиши билан боғлиқ ҳодисалар баён қилинган.
Апостол	христиан таълимотига биноан Исонинг энг яқин ёрдамчиларининг унвони. Уларнинг асосийлари 12 та: Пётр (Симон Ионин), Андрей, Иоанн, Иаков Зеведеев, Филипп, Варфоломей, Матфей, Фома, Иаков Алфеев, Фаддей, Симон Кананит, Иуда Искариот (Исони сотган хаворий), Матфий (Иудадан сўнг унинг ўрнини эгаллаган). Булардан ташқари яна 70 нафар хаворийлар мавжуд бўлгани христиан адабиётларида қайд этилади.
Арафот	(араб. «танимоқ, билмоқ» феълидан) Макка

	<p>шаҳрининг шарқ томонидаги тепалик. Ривоятларга кўра, жаннатдан туширилган Одам Ато ва Момо Ҳавво ерда илк бор мана шу тепаликда учрашганлар. Шунинг учун ҳам уни «Арафот» – «Танишув» деб атаганлар. Ҳаж мавсумида барча ҳожилар қурбон ҳайитидан олдинги кун тонгдан кун қайтгунга қадар шу тепалик атрофидаги майдонда туришлари фарз. Шу сабабли ҳайитдан олдинги кун «арафа куни» деб аталади.</p>
Библия	<p>– яҳудийлик ва христианлик динларининг асосий муқаддас манбаи. Яҳудийлар “Библия”си “Китве кадеш” ва “Танах” ҳам деб номланади. Христианлар томонидан тан олинадиган Библия “Қадимги Аҳд” ва “Янги Аҳд”дан иборат бўлиб, умумий ҳисобда 66 китобдан иборат.</p>
Дин	<p>инсоният маънавий ҳаётининг таркибий қисмидир. Дин инсонни қуршаб олган атроф муҳитдан ташқарида бўлган ва коинотдаги барча нарсаларни яратган айни замонда инсонларга тўғри, ҳақиқий, одил йўлни кўрсатадиган ва ўргатадиган илоҳий борлиққа ишонч, маслак, қараш таълимотидир.</p>
Дин психологиясининг асосий объекти	<p>диндорларнинг динга эътиқод қилмайдиган кишиларнинг хулқи ва ҳаракатидан фарқ қилувчи психологик хусусиятларини методологик тамойиллар асосида тадқиқ этишдир.</p>
Диний психология	<p>бу бутун диний оммага хос тасаввурлар, сезгилар, кайфиятлар, урф-одат, анъаналар билан боғлиқ муайян диний ғоя тизимининг умумбирлигидан иборат.</p>
Ибтидоий файласуф	<p>эволюцион позитивистларнинг чиқарган хулосасига кўра, борлиқ ва коинот ҳақида фикрлар юритиб, диннинг келиб чиқишига сабабчи бўлган ибтидоий одам.</p>
Индульгенция	<p>католик черкови томонидан диндорларга қилинган ёки қилиниши мумкин бўлган гуноҳларни кечириш ҳақида бериладиган гувоҳнома. У пул ёки черков олдидаги</p>

	хизматлар эвазига берилади.
Инжил	<p>(юнонча - “Евангелие”) “Янги Аҳд”даги Марк, Матто, Луко ва Юҳаннолардан ривоят қилинган китоблар назарда тутилади. Уларда Исо Масихнинг ҳаёт йўли ва мўъжизалари баён қилинган.</p> <p>Ислом динида эътиқод қилинадиган якка Худо <i>Оллоҳ</i> деб аталади. Бу Х. Маккада яшаган қад. Қурайш қабиласи Худоси бўлиб, Муҳаммад тарғибот билан 7-асрларда ислом дини Худосига айланган. Маккадаги қад. ибодатхона – Каъба Байтуллоҳ (Оллоҳнинг уйи) деб аталиб, мусулмонларнинг бош саждагоҳи бўлиб қолган.</p>
Кардиналлар коллегияси	Рим католик черковидаги олий кенгаш. Папа ўрни бўшаб қолганда унинг вазифасини бажариш ва янги Папани сайлаш вазифаларини бажаради.
Миро мойи (юнонча - “хушбўй мой”)	христианликнинг етти сирли маросимларидан бирида танага суриладиган хушбўй мой. Ушбу мой черков епископи томонидан олий навли зайтун мойига оқ узум виноси, атиргул япроқлари, бинафша, занжабил илдизлари, мускат, атиргул, чиннигул ва лимон мойлари каби махсулотларни қўшиб қайнатиш орқали тайёрланади.
Табу –	тотемистик тасаввурлар мавжуд бўлган жамиятдаги диний тақиқ. Бу тасаввурларга кўра, табуни бузган одам руҳлар ва худолар томонидан унга оғир касаллик ёки ўлим юбориш билан жазоланади. Табу маълум бир буюмга тегмаслик, маълум сўзни айтмаслик, маълум ҳайвонларнинг гўштини емаслик кабилардан иборат бўлиши мумкин.
Юҳанно (Иоан)	Исонинг 12 ҳаворийларидан ва “Инжил”нинг муаллифларидан бири. Христианликка кўра, Юҳанно “Янги Аҳд” таркибига кирувчи “Ваҳийнома” китобининг муаллифи ҳамдир.

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 488 б.
2. Mirziyoyev Sh. Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta'minlash – yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganligining 24 yilligiga bag'ishlangan tantanali marosimdagi ma'ruza. 2016-yil 7-dekabr. – Toshkent: “O'zbekiston” NMIU, 2017. – 32 b.
3. Mirziyoyev Sh. Erkin va farovon, demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti lavozimiga kirishish tantanali marosimiga bag'ishlangan Oliy Majlis palatalarining qo'shma majlisidagi nutq. – Toshkent: “O'zbekiston” NMIU, 2017. – 32 b.
4. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси - Президентининг Фармони. – Халқ сўзи, 8-февраль 2017-йил.
5. Каримов И. А. Юксак маънавият енгилмас куч. –Т.:Маънавият, 2008.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б. 415-683.
7. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан курашимиз. – Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, – 1999. – Б. 132-154.
8. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. «Тафаккур» журнали бош муҳаррирининг саволларига жавоблар // Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан курашимиз. – Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, – 1999. – Б. 84-102.
9. Каримов И.А. Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда. «Туркистон пресс» ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблар // Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан курашимиз. – Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 349-355.
10. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломда: Президент Ислом Каримовнинг Биринчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги маърузаси. 1999 йил 14 апрель. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 48 б.
11. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 526 б.
12. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. – Т. 10. –Т.: Ўзбекистон, 2002. – 429 б.
13. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. – Т. 11. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 318 б.
14. Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжихатлиги ва буқилмас иродасига боғлиқ. – Т.: Ўзбекистон, 2004. – 30 б.
15. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмади. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 158 б.

16. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 176 б.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

17. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.– Т.: Ўзбекистон, 2017.

18. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (янги таҳрири) // Ўзбекистоннинг янги қонунлари, № 19. –Т.: Адолат, 1998.

Махсус адабиётлар

19. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ (ишонарли тўплам): 4 жилдли. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1991-1999.

20. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳиҳ ал-Бухорий: 2 жилдли. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008.

21. Авесто “Видевдат” китоби / М.М.Исҳоқов таржимаси. – Т.: ТошДШИ нашриёти. – 96 б.

22. Авесто “Яшт” китоби / М.Исҳоқов таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001. – 124 б.

23. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – 432 б.

24. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Т.: Алишер Навоий номли миллий кутубхона нашриёти, 2007. – 275 б.

25. Беруний Абу Райҳон. Қонуни Масъудий // Беруний А.Р. Танланган асарлар. V том. Биринчи китоб. – Т., 1973. – 590 б.

26. Беруний, Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар // Беруний А.Р. Танланган асарлар. I том. – Т., 1968. – 486 б.

27. Босворт К. Мусулмон сулолалари. Йилнома ва шажаралар бўйича маълумотнома. Изоҳлар билан таржимаси. – Т.: ФАН, 2007. – 270 б.

28. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари: ўқув қўлланма / Масъул муҳаррир А.С.Очилдиев; – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008. – Б. 246.

29. «Диншуносликнинг долзарб муаммолари» мавзуидаги 1-илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. – Т. «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009.

30. «Диншуносликнинг долзарб муаммолари» мавзуидаги 2-илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. – Т. «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010.

Электрон таълим ресурслари

1. www.Ziyonet.uz

2. www.edu.uz

3. Infocom.uz электрон журнали: www.infocom.uz

4. www.nuuz.uz

5. www.bimm.uz